КЎКЛАМГА ҲАММА НАРСА ТАХТ БЎЛСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№15 (2563) | 21 январь, сешанба 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ХИМИЯ БИЛИМЛАРИНИ ЭГАЛЛАЙЛИК

Коммунизм — Совет ҳокимияти ва бутун мамлакатни электрлаштириш ҳамда халқ хўжалигини химиялаштиришдир. Марксизм-ленинизм назариясига, коммунистик жамият қуриш назариясига ғоят катта ижодий ҳисса бўлиб қўшилган ана шу формулировкада мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтиришда, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишда химиянинг тутган ўрни бутун тўлалиги билан кўрсатиб берилган.

Химия — беҳисоб бойликларнинг битмас-туганмас хазинасидир. Лекин ана шу хазина ўз эшикларини билим билан пухта қуролланган, химиянинг мўъжизалари сирларини билиб олган кишиларгагина кенг очади. Химия — бамисоли жавоҳирлар тўла кон бўлса, ана шу коннинг калити билимдир, унинг бойликларидан баҳраманд бўламан деган киши фақат шу йўлдан бориши мумкин, фақат шу йўл орқали биз мўл-кўлчилик ва маъмурчилик ярата оламиз.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида химияни кенг қўллаш соҳасида партиямиз қўлёётган вазифаларни муваффақият билан бажарилиши кўп жиҳатдан кадрларимизни химия билимлари билан қай даражада қуролланганлигига боғлиқдир. Кенг меҳнаткашлар оммаси химиявий моддалар ва маҳсулотларнинг хусусиятларини пухта билиб олган тақдирдагина мўъжизалар яратаётган химиянинг «каромати»дан тўла фойдаланиш мумкин бўлади. Шу сабабли ҳам КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми омма орасида химия билимларини кенг пропаганда қилишга алоҳида эътибор берди.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида партия Марказий Комитети декабрь Пленуми материалларини ҳамда химия билимларини кенг пропаганда қилиш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Қишлоқ область партия комитети ҳузурида агрохимия билимлари университети ташкил этилди. Унга область партия, совет ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари, инструкторлари жалб этилган. Машғулотларда республикамизнинг таниқли олимлари ва мутахассислари қишлоқ хўжалигида заҳарли химикатларни қўлланиш, ўғитлардан фойдаланиш йўллари, шунингдек химия билан боғлиқ бўлган бошқа темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказишаяпти.

Меҳнаткашлар ўртасида химия билимлари пропагандасини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар партия комитети, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг қилаётган ишлари ҳам тақдирга сазовордир.

Кадрларимизни химия билимлари билан қуроллантиришни қисқа муддатли кампания деб тушуниш хато бўлур эди. Бу ишни узлуксиз давом эттириш ва биринчи навбатда қишлоқ меҳнаткашларини химиявий препаратлардан фойдалана билишга ўргатиш лозим. Шу мақсадда қишлоқ жойларда ташкил этилган агрохимия ўқуви курсларининг ишини бутун чоралар билан жонлантириб юбориш, бу ишга етарли билим ва бой тажрибага эга бўлган мутахассисларни, ишлаб чиқариш новаторларини кенг жалб этиш зарур. Маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотлари ўқув машғулотларининг кўнгилдагидек ўтиши учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб беришлари, машғулотларнинг қай сазияда ўтаётганлигидан доимо хабардор бўлиб туришлари керак.

Қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари — колхоз раислари, совхоз директорлари, бригада ва звено бошлиқлари, ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетлари ходимлари химия билимлари билан пухта қуролланиб олган бўлишлари керак. Ҳаётнинг ўзи, турмушнинг бориши шуни талаб этмоқда. Бутун дунё химикларининг отахони — улуғ рус олими Д. И. Менделеев: «Фан — хизматкор, у мўл-кўлчилик барпо этиш омилидир... Илм-фан уруғидан меҳнаткашлар батмон-батмон хирмон кўтарсин», деган эди. Ўтган йили химиявий заҳарли моддалар республикада бир ярим миллион тонна «оқ олтин»ни ғўза душманларидан сақлаб қолиш имконини берди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларига сарфланган ҳар бир сўм пахтачиликда олти сўмлик, сабзавотчиликда саккиз сўмлик, боғдорчиликда йигирма сўмлик ҳосилни сақлаб қолди. Ана шу келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам улуғ олимнинг фикрлари нақадар тўғри эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бизнинг кадрларимиз, айниқса қишлоқ партия, совет ва хўжалик активи химияни яхши билсин, химия ютуқларидан тўғри фойдалана олсин. Бунинг учун агрохимия асосларини, минерал ўғитлардан ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан фойдаланишнинг прогрессив методларини батафсил ўрганиш зарур бўлади. Очиқ эътироф этиш керакки, ўтган йилларда бизда қишлоқ хўжалик кадрларини ўқитишда агрохимия асослари етарли ўрганилмади, бунинг оқибатида бир қатор колхоз ва совхозлар олган минерал ўғит кўзланган самарани бермади, шунингдек деҳқончиликда ва чорвачиликда бошқа химиявий воситалардан ҳаммавақт ҳам оқилона фойдаланилмади. Эндиликда партиямиз, қишлоқ хўжалигининг ҳамма ходимлари албатта агрохимия асосларини билишлари шарт, деб кўрсатмоқда. Чунки, бу билим асосларини эгаллаш минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, гербицидлар, дефолиантлардан самарали фойдаланишга ва шу йўл билан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш, хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлаш имконини беради.

Химия билимларини кенг пропаганда қилишда идеология ишининг барча формаларидан кенг фойдаланиш зарур. Ишлаб чиқариш бошқармалари ҳамда корхоналарнинг кўп тиражли газеталари химияни халқ хўжалигида қўлланиш масалаларини изчиллик билан ёритиб боришлари, бу ишга мутахассисларни жалб этишлари лозим. Химияни саноат ва қишлоқ хўжалигида қўлланиш масалаларига бағишлаб кенг ўқувчига мўлжалланган, оммабоп тилда ёзилган брошюраларни, турли хил плакатларни нашр этишни кўпайтириш керак. Фабрика-завод, колхоз-совхоз клубларида, маданият саройларида химияга бағишланган илмий-оммабоп киножурналларни намойиш қилиш, савол-жавоб кечалари ташкил этиш — химия билимларини пропаганда қилишнинг муҳим формаларидан биридир.

Кадрларимизни химия билимлари билан қуроллантириш соҳасида олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда олимларимиз, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасалари коллективларининг роли каттадир. Улар бу соҳада колхоз ва совхозларга оталик қилишлари, қишлоқларда агрохимия ўқувини ташкил этиш, химия билимларини пропаганда қилишда актив иштирок этишга даъват қилингандирлар.

Химия билимларини эгалланг! Партиямиз шунга чақирмоқда. Ҳамма ерда — колхоз ва совхозларда, завод ва фабрикаларда, қурилиш ва транспорт ташкилотларида химия билимларини пухта ва ҳар тарафлама ўрганилишини ташкил этиш — маҳаллий партия совет касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

ОЛТИН МЕДАЛЬ МУБОРАК!

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставасининг кенгаши улуғвор етти йилликнинг бешинчи йилида пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги буюк муваффақиятлари учун Ўзбекистоннинг илғор пахтакор деҳқонларидан 1537 кишини виставка қатнашчилари қилиб тасдиқлади. 153 кишига эса олтин медаллар берилди.

Мукофотланган илғор пахтакорлар орасида Тошкент область Янгийўл бошқармасидаги Киров номли колхознинг бригадири, механик-ҳайдовчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Турсуной Охунова ҳам бор. Республикада биринчи бўлиб хотин-қиз механизаторлар ҳаракатини бошлаб берган бу аёл ҳар йили янгидан-янги ташаббуслар бошламоқда, ҳар йили янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда. Илгариги йиллар каби 1963 йил ҳам Турсунойнинг ҳаётида унутилмас йил бўлди. У ўзи ишлаб турган илғор бригададан бир неча йилларидан бери оқсаб келаётган қолоқ бригадага ўтди. Илғор тажрибани жорий этиб, зўр ташкилотчилик кўрсатиб, бир йилнинг ўзидаёқ шу бригадани пешқадамлар сафига қўшишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари ўртоқ Охунова ўтган йили кузда «зангори кема» бункеридан 272 тонна «оқ олтин»ни тўкди. Бу белгиланган нормадагидан тўрт баравар кўпдир. Турсуной Охунова ана шу улкан ютуқлари эвазига виставканинг Олтин медалини олишга сазовор бўлди. Олтин медаль муборак, Турсуной!

ЎРТОҚ ФИДЕЛЬ КАСТРО МОСКВА АТРОФИДА

МОСКВА, 20 январь. (ТАСС махсус мухбири). Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фидель Кастро ва унинг ҳамроҳлари кеча Кремлдаги резиденциядан чиқиб, Москва яқинидаги боқ-ҳа йўл олдилар. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев кубалик дўстларни шу боққа таклиф қилган эди.

Фидель Кастро ва унинг йўлдошлари Н. С. Хрушчевнинг оиласи ва унинг неваралари билан танишдилар.

Кубалик меҳмонлар ва Н. С. Хрушчев ўрмонда сайр қилишди. Улар Москва-река бўйига келганда бир группа чанғичиларга дуч келишди. Кубалик меҳмонлар улардан чанғиларни сўраб олишди ва Фидель Кастро чанғида сайр қилди.

Сўнгра Фидель Кастро билан Н. С. Хрушчев 1-от заводига боришди. Фидель Кастро зотли рус отларини ғоят қизиқиб суриштирди, Кубада ҳам мана шундай соз хўжаликлар ташкил этилса яхши бўлур эди, деди. У, СССРда зотли отларни кўпайтиришга катта эътибор берилаётирми, деб Н. С. Хрушчевдан сўради. Н. С. Хрушчев бу ишга катта эътибор берилаётганлигини айтди ва ҳозирги вақтда от заводлари ўз хўжаликларини рентабель қилиб олганликларини, улар ўз емхашаклари билан ўзларини таъминлаётганликларини, ҳар хил маҳсулот етиштираётганликларини гапириб берди. Ҳозирги вақтда 1-от заводининг серсут яхши биялари бор. Бу завод ва бошқа от заводлари чет мамлакатларга сотиш учун отлар етиштириб бермоқда. Сотилган ҳар бир зотли от эвазига давлат иккитадан бештагача серсут сигир сотиб олмоқда.

От заводининг дирекцияси ўртоқ Фидель Кастрога ва унинг йўлдошларига уч от қўшилган ченага тушиб, қор босиб ётган ўрмон йўлларида сайр қилишни таклиф этди. Фидель Кастро бу таклифни мамнуният билан қабул қилди.

Уч от қўшилган рус ченаларида сайр қилиш жуда гаштли бўлди. Завод ходимлари, уларнинг оилалари, болалар Кубанинг миллий қаҳрамонини самимият билан табриклаб турдилар.

Н. С. Хрушчев, Фидель Кастро ва уларнинг ҳамроҳлари тушган ченалар ғизиллаб ўтиб бормоқда. Бугун Москвада гарчи совуқ унчалик қаттиқ бўлмаса ҳам, тропик мамлакатдан келган меҳмонлар учун почапўстинлар тайёрлаб қўйилган эди. Улар уч от қўшилган ченаларнинг тез юришига қойил бўлиб, биз жуда маза қилдик, дейишди.

Мана, ченалар от заводига қайтиб келди. Фидель Кастро уч от қўшилган ченани қандай қилиб бошқаришга жуда қизиқди, бир вақтлар қадимий Россияда одамлар бир шаҳардан иккинчи шаҳарга шундай ченаларда бориш учун ойлаб йўл юрганликларини китоблардан ўқиганини эслади.

От заводининг дирекцияси меҳмонларни шиғиллаб қайнаб турган самовар чойини ичишга таклиф қилди.

Фидель Кастро ва унинг йўлдошлари Москва атрофида сайр қилганликларидан жуда мамнун бўлдилар. Меҳмонлар жўнаш учун йўлга чиққанларида от заводининг ишчилари уларни самимият билан табриклаб узатиб қўйишди. Фидель Кастро ва Н. С. Хрушчев хайрлашатуриб, ишчилар ва уларнинг болалари билан сурат олдиришди.

Шу куннинг ўзидаёқ КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати шаҳар яқинидаги боғда Фидель Кастро шарафига зиёфат беришди. Бу зиёфатда майорлар Педро Мирет, Альдо Сантамария, Рене Вальехо, капитан Биенвенидо Перес, шунингдек Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили Мануэль Гарисиа Фуэнтес, ҳарбий атташе майор Эдуардо Суньол ва бошқа кубалик меҳмонлар у билан бирга бўлишди.

Зиёфатда совет томонидан Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Л. Н. Ефремов, Ш. Р. Рашидов, П. Н. Демичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Д. Ф. Устинов, В. Э. Димшиц, М. А. Лесечко, П. Ф. Ломако, К. Н. Руднев, Л. В. Смирнов, СССР мудофаа министри Р. Я. Малиновский, СССР министрларининг ўринбосарлари А. А. Гречко, В. В. Кузнецов, «Правда» газетасининг бош редактори П. А. Сатюков, «Известия» газетасининг бош редактори А. И. Аджубей, Совет Иттифоқининг Куба Республикасидаги элчиси А. И. Алексеев ва бошқалар ҳозир бўлишди.

Зиёфат ғоят самимий, қардошлик вазиятида ўтди.

Зиёфатнинг охирида Н. С. Хрушчев ўртоқ Фидель Кастро, Совет-Куба дўстлиги шарафига, умумий ишимизнинг ғалабаси учун қадаҳ кўтарди.

Кечқурун кубалик дўстлар Москвага қайтиб келишди.

Трансформаторлар — қишлоққа

Чирчиқ трансформатор заводи меҳнатсеварлари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, миқдорини ошириш билан бир қаторда янги хил трансформаторлар ишлаб чиқариш технологиясини ҳам пухта эгаллаб олмоқдалар. Шу кунларда корхона цехларида пахтани қайта ишлаш саноатида қўлланиладиган янги — ТМЗ-630 маркали трансформаторлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Ҳозиргача заказчилар учун шу маркадаги дастлабки 15 та трансформатор жўнатилди.

Корхона аъзоларидан КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, қишлоқ электр станциялари учун кўплаб трансформаторлар етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Я. ГРИГОРЬЕВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЗАНЖИБАР ВА ПЕМБА ҲУКУМАТИНИ ТАНИДИ

МОСКВА, 18 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Занжибар ва Пемба Республикаси президентига телеграмма юборди, бунда СССР ҳукумати Занжибар республика ҳукуматининг мурожаатини қараб чиқиб, Занжибар ва Пемба Республикаси ҳукуматини расмий жиҳатдан танинганлиги ҳақида қарор қабул қилганини билдиради.

Совет Иттифоқининг халқлари, дейилади телеграммада, миллий мустақилликни мустаҳкамлашда Занжибар халқига чин кўнгилдан муваффақиятлар, шунингдек тараққиёт ва осойишталик тилайди.

ЯНГИ ЎҒИТ

Олимларимиз пахтакорлар билан бир сафда туриб ҳосилдорликни ошириш устида амалий ишлар олиб бормоқдалар. Қандай ўғит пахтага кўпроқ ёрдам беришини, ҳосилга ҳосил қўшишини лабораторияларда ва тажриба участкаларида текшириб кўрмоқдалар. Янги-янги ўғитлар яратмоқдалар.

Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленумидан кейин айниқса кўплаб ўғит ишлаб чиқариш қизитиб юборилди. Бу ишда Москва атрофидаги Воскресенск кимё комбинати ҳам четда қолгани йўқ. Комбинат ишчилари ажойиб хоссаларга бой бўлган иккиламчи суперфосфат ўғитини ишлаб чиқара бошлади. Бу ўғит таркибида оддий ўғитга қараганда озуқа моддалари икки марта кўпдир. Ана шунинг учун ҳам унинг номи иккиламчи суперфосфат деб аталади. Янги ўғит жуда арзон бўлиб, ҳосилдорликни оширишда муҳим восита ҳисобланади.

Х. РАСУЛЕВ.
К. АХМЕРОВ.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Оққўрғон бошқармаси «Ленинобод» колхозидаги ўртоқ Таласбой Ғазотов бошлиқ бригада аъзолари мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Ҳозир ҳаммаёқ қор кўрпаси билан бурканган қиш кунларида ҳам бригада аъзолари тинчиб-тинчимаяпти. Ахир ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаб, бу йил янада мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилишган улар. Шунинг учун ҳам қишки тадбирлар ўз вақтида амалга ошириляпти. Далага ҳозирга қадар 350 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Техникани ремонт қилиш ҳам яхши йўлга қўйилди.

Колхознинг Мамадали Нуриев бошлиқ бригадаси миришкорлари ҳам астойдил меҳнат қилиб, кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

О. ХОЖИБОЕВ.

51 тонна гўшт

Ўзининг самарали меҳнати билан эл-юртга, она-Ватанга сидқидилдан хизмат қилаётган олижаноб кишиларга ҳар қанча тасаннолар айтса камлик қилади. Калинин бошқармасидаги Генерал Раҳимав номли колхоз чорвадорлари ҳам ана шундай кишилар жумласига киришади. Улар етти йилликнинг бешинчи йилини муваффақиятли якунлагач, шонли олтинчи йилда ҳам катта зафарларни қўлга киритиш учун янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишни авж олдириб юбордилар.

Колхозда бу йил давлатга 70 тонна гўшт сотиш планлаштирилган эди. Бўрдоқичилар ўз боқимларидаги қора моллар-нинг ҳар бирини ўрта ҳисобда 200—250 килограммданга етказиб семиртиришди. Натижада ҳўжалик давлатга ҳозирнинг ўзидаёқ 51 тонна семиз гўшт сотиб, Э ойлик планни бажариб қўйди. Сотилган гўштнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Чорвадорлар ҳозир моллари бўрдоқига боқиш ишини янада намунали ташкил этишмоқда.

Т. ЖУРАЕВ.

Танишинг! Шарифа Ҳакимова. У Калинин бошқармасидаги Ленин номли колхознинг энг моҳир сут соғувчиси. Ўтган йили «Арча» усулида 80 бош сигирдан 192 минг килограмм серқаймоқ сут соғиб олди. Шу кунларда Шарифа сут соғиб олиш миқдорини янада ошириш учун самарали меҳнат қилмоқда.

А. Абалян фотоси.

ГАЗЛИДА ТАНТАНА

ГАЗЛИ, 18 январь. (ЎзТАГ). Бухоро газчиларининг пойтахти Газли байрамлардагидек безатилган. Дунёда энг қудратли Бухоро — Урал газ қувури биринчи навбати қурилишининг тугалланиши муносабати билан партия ва ҳукуматнинг юборган табриги қиш кунлари Қизилқумга баҳор нафасини келтирди.

Қадимий Бухоро билан азим Урални боғловчи қудратли газ дарёси бошланадиган бу ерда бугун қурувчилар, монтажчилар, ер ости бойликларининг разведкачилари, газ саноатининг ишчилари ва мутахассисларининг катта митинги бўлиб ўтди.

Тантанали митинги Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Матчонов очди.

СССР Газ саноати давлат ишлаб чиқариш комитетининг қурилиш ва монтаж трестлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши газ чиқарувчи корхоналарининг ва Ўзбекистон ССР геология—қидириш ташкилотларининг ишчилари, инженерлари ва техникларига, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети саноат ва қурилишга раҳбарлик бюросининг раиси Н. В. Мартинов ўқиб беради.

Халқ меҳр билан «зангори олов» кишилари деб атаган, бутун мамлакат фахрланса арзийдиган ишлар қилган кишилар бирин-кетин минбарга чиқадилар. «Бухаранефтегазразведка» трести чўқур пармалаш Янгиқазган экспедициясининг пармаловчи мастери С. Каримов, «Нефтепроводмонтаж» трести тўққизинчи ихтисослаштирилган бошқармасининг электр пайвандчиси А. Богданов, Газли конининг оператори Д. Азимова, «Востокнефтепроводстрой» трести тўртинчи қурилиш бошқармасининг мастери Р. Султонов, «Востокнефтепроводстрой» трести тўртинчи қурилиш бошқармасининг бульдозерчиси Р. Габдирахманов КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати «зангори олов»ни забт этувчиларга қурилиш бошланган дастлабки кунларданоқ ғоят катта ёрдам бериб келганликлари учун миннатдорчилик сўзларини айтдилар.

Митинг қатнашчилари завқ-шавқ билан КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига, Ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома қабул қилдилар.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ЗЎР НАМОЙИШИ

Мағрур садо берувчи «дўстлик» сўзи совет кишиси учун муқаддас бўлиб қолди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш доимий комиссиясининг еттинчи мажлиси қатнашчилари билан Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги вакилларининг 18 январда Свердлов номли концерт залидаги учрашуви дўстлик белгиси остида ўтди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Муртазоев** дўстлик кечасини очиб, азиз меҳмонларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукуматидан, Тошкент ва бутун Ўзбекистон меҳнаткашларидан самимий салом топширди.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари ҳам, деб таъкидлади у, социалистик лагерь мамлакатларидаги халқлар ҳамдўстлиги кун сайин мустаҳкамланиб бораётганлиги билан ҳақли суратда фахрланмоқдалар, бу ҳамдўстлик пролетар интернационализмининг ленинча принципларига, социализм ва коммунизм қурилишидаги мақсадлар ва вазифаларнинг бирлигига асосланган-дир. Ана шу мамлакатларнинг иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорлиги тобора кенг авж олиб, халқ хўжалигининг умумий юксалишига эришиш ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш учун социалистик системанинг жуда катта афзалликларидан энг самарали тарзда фойдаланиш имконини бермоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг бутун фаолияти бунга ёрқин далил бўла олади. Шу кенгаш органларидан бирининг мажлиси Тошкентда чақирилганлиги— буюк социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ва унинг кучларига-куч қўшиш иштиёқи билан тўлиб-тошган республика ва унинг пойтахтидаги меҳнаткашлар учун чинакам байрам бўлди.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси **Ҳ. С. Шукурова** минбарга чиқади. У, айтадики, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Доимий комиссияси ўз фаолияти билан социалистик мамлакатлардаги халқларнинг қаҳрамонона йилномасига яна бир порлоқ саҳифа ёзмоқда. Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган катта ва олижаноб ишларда инсониятнинг атомни тинчлик ишига хизмат қилдириш, уни барча меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун ишлашга мажбур этишдан иборат эзгу орзуси амалда рўёбга чиқарилмоқда.

«Ташкенткабель» заводи слесарлар бригадасининг бошлиғи **А. Ф. Худяков** социалистик лагерь мамлакатларидаги меҳнаткашларнинг қудратли бирлиги тўғрисида тўлқинланиб гапиради.

Болгария Халқ Республикаси делегациясининг раҳбари, Болгария Фанлар академияси Электроника институтининг директори, профессор **Э. Жаковга** сўз берилади. У, Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашларига болгар халқидан оташин салом топширади.

Гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институтининг директори **Ҳ. Ҳакимов** шаҳар медицина ходимлари номидан меҳмонларни қизғин табриклайди.

Венгрия делегациясининг бошлиғи, Венгрия Халқ Республикасининг министри, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг фан ва олий таълим масалалари кенгашининг бош секретари, профессор **Р. Колош** йиғилиш қатнашчиларига қарата нутқ сўзлади.

Германия Демократик Республикаси делегациясининг раҳбари, Германия Демократик Республикаси тадқиқотлар ва техника давлат секретарининг ўринбосари **Р. Мюллер** микрофон ёнига келади. Германия тарихидаги биринчи социалистик давлат, дейди у, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ўзининг экономикаси ва маданиятини тез суръатлар билан ривожлантирмоқда.

Республика Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг директори **С. А. Азимов** Ўзбекистон олимларининг илҳомбахш меҳнати тўғрисида, улар ўзларининг бутун куч-ғайратларини мамлакатимизда коммунизм қурилишининг КПСС XXII съезди чизиб берган улуғвор Программасини тезроқ амалга оширишга бағишлаганликлари ҳақида гапиради.

Польша делегациясининг бошлиғи — министр, Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг ядро энергиясидан фойдаланиш бўйичя вакили **В. Биллиг** сўзга чиқади.

Ҳар бир ўтган кунимиз янги дунё бунёдкорларининг шонли зафарлари тўғрисида қувончли хабарлар келтирмоқда, дейди 160-мактаб ўқитувчиси **Т. Д. Авророва.** Тошкент педагоглари ёшларимизни пролетар интернационализми руҳида ҳормай-толмай тарбиялашни ўзларининг фахрли вазифалари, деб билмоқдалар. Тошкент давлат университетининг студенти **Р. Мақсудова** совет ёшларининг халқлар дўстлигидан иборат абадий барҳаёт ленинча идеяларга садоқати ҳақида гапиради.

Руминия делегациясининг бошлиғи — Руминия Фанлар академияси Атом физикаси институти директорининг ўринбосари, профессор **Ф. Чораску** Ўзбекистоннинг хўжалик ва маданий қурилишидаги муваффақиятларига юксак баҳо берди.

Чехословакия делегациясининг аъзолари қаерга бормасинлар, мамлакатимизни, Олтин Прагани яхши билган одамларни ҳамма жойда учратмоқдалар, деди ана шу делегациянинг раҳбари, Чехословакия атом комиссиясининг раиси ҳамда Фан ва техникани ривожлантириш ва координациялаш давлат комиссияси раисининг биринчи ўринбосари **Я. Неуманн.** Улар буни қаёқдан билишади? деб сўрарсиз. Улар — 1945 йилда бизга озодлик олиб борган кишилардир. СССР билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ҳам 1945 йилдан бошланди.

СССР Атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитетининг раиси, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Доимий комиссиясининг мажлисидаги совет делегациясининг бошлиғи **А. М. Петросьянц** ўз нутқида социалистик мамлакатлар олимлари ва мутахассисларининг самарали ҳамкорлиги тўғрисида гапирди.

Тошкент меҳнаткашларининг қардош мамлакатлар вакиллари билан учрашуви қудратли социалистик лагерь бузилмас бирлиги ва жипслигининг ёрқин намойишига айланиб кетди. (ЎзТАГ).

ЛЕНИН ҲАМИША БАРҲАЁТ

ЛЕНИНИЗМ — ДАВРИМИЗНИНГ ҒОЛИБ БАЙРОҒИ

Коммунистлар инсоният тарихига дунёни ўзгартирувчи ва янгиловчи энг буюк куч бўлиб кирдилар. Партиямиз Программасининг бу ажойиб сўзлари совет халқи улуғ ленинчи партиямиз раҳбарлигида қилаётган дарҳақиқат мислсиз буюк ишларнинг образли, ёрқин ифодасидир.

Биз Ленин идеялари, ленинизм жаҳоншумул-тарихий ғалабаларга эришган ва эришаётган, фақат Осиё ва Европа қитъасидагина эмас, Америка қитъасида, «Озодлик ороли» устида ҳам ленинизмнинг ғолиб байроғи ҳилпираётган замонда яшамоқдамиз. Ленинизмнинг, коммунизмнинг дунёни ўзгартирувчи ва янгиловчи қудратли куч эканлиги империалистларни даҳшатга солмоқда, тинчлик, озодлик ва социализм учун курашаётган миллион-миллион кишиларнинг қалбини умид ва ғалаба нашъаси билан тўлдирмоқда.

Ленин идеялари, ленинизм халқимизнинг коммунизм ғалабаси йўлидаги қаҳрамонона меҳнатида, жаҳон социалистик системасининг муваффақиятларида ва жаҳон тараққиётига кўрсатаётган зўр таъсирида, миллий озодлик ҳаракатининг қудратли авж олганида яшамоқда ва ғалаба қилмоқда. Севимли йўлбошчимиз, устозимиз Ильич барҳаёт бўлганида эди, коммунизм қураётган халқимизнинг буюк қаҳрамонлигини, ленинизм байроғини космос юксакликларигача олиб чиққан кишиларимизнинг мардонавор шижоатини кўриб, қалби зўр қувонч ҳисси билан тўлган бўлур эди.

«Агар Владимир Ильич Ленин халқ қилаётган ишларни, озод мамлакатнинг қиёфасини ўзгартириб, мўъжизалар яратаётганини ўз кўзи билан кўра олганда эди, у таҳсин ва офаринлар ўқиган бўлур эди! Ленин ўйлаган, у мўлжаллаган, орзу қилган ишларни эндиликда халқимиз, партиямиз муваффақият билан амалга оширмоқда!» — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев.

Дарҳақиқат, партиямиз 1953 йилдан бошлаб ўтказаётган ва КПССнинг тарихий XX, XXI, XXII съездлари ҳар томонлама ишлаб чиққан йўл асосида ўтган ўн йил мобайнида қилинган буюк ишлар ҳар қанча таҳсин ва офаринларга арзийди. Ўтган ўн йил, деди ўртоқ Пономарев В. И. Ленин туғилган куннинг 93 йиллигида қилган докладида, партия амалга оширган ўзгаришларнинг ва ҳал қилган проблемаларнинг муҳимлиги жиҳатидан мамлакат ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг чуқурлиги жиҳатидан, СССР намунасининг бутун жаҳон тараққиётига ўтказган таъсири жиҳатидан Совет давлати тарихида, ленинизм назарияси ва практикасида алоҳида ўрин олади. Бу ҳақиқатан ажойиб ўн йил бўлди, Совет жамиятининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида кескин бурилиш ва ғоят катта равнақ йиллари бўлди. Ленин ишлаб чиққан социализм қуриш плани мамлакатимизда тўла ва узил-кесил ғалаба қилди. Эндиликда халқимиз ленинчи партия етакчилигида коммунизмнинг муаззам биносини барпо қилмоқда.

Буни ажойиб факт ва рақамлар жуда яққол кўрсатади! Совет Иттифоқи саноатининг ялпи маҳсулоти кейинги ўн йил ичида 2,7 баравар кўпайди, меҳнат унумдорлиги қарийб икки баравар ошди. 8.500 та янги йирик корхоналар қурилди. Ана шу рақамларнинг мазмуни чақиб кўринг, дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев. 1953 йилнинг ўзидаёқ гигант даражага етган саноатимиз ёнига бир ўн йилликда яна иккита шундай гигант қўшилди! Бу гигантлар космоса учиш каби жаҳонни ҳайратда қолдирган воқеанинг содир бўлишига имкон берди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам анчагина муваффақиятлар қўлга киритилди. Қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги, ҳосилдорлик оширилганлиги, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ўсганлиги туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. 1953 йилдагига нисбатан ўтган йили 1,8 баравар кўп дон, 2,4 баравар кўп гўшт, 2,7 баравар кўп сут, 3,3 баравар кўп тухум, қарийб 2 баравар кўп қанд лавлаги, 12 процент кўп пахта харид қилинди.

Партиямиз Марказий Комитети ва ўртоқ Н. С. Хрушчев 1963 йилда Ўзбекистон меҳнаткашларининг қилган фидокорона ишларига юксак баҳо бердилар. Республикамиз меҳнаткашлари мамлакатга 3 миллион 682 минг тонна пахта бериб, СССР халқларининг қардошлик оиласида коммунизм қурилишининг улуғвор планларини амалга оширишда яхши намуна кўрсатдилар. Бу — ленинча миллий сиёсат самараларидан баҳраманд бўлган халқ буюк ишларга қодир эканлигининг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизнинг экономикасида ва маданиятида, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишда сўнгги ўн йил ичида қилинган ишлар ҳаммага яққол кўриниб турибди.

Мамлакатимизда уй-жой қурилиши жуда кенг миқёсда авж олдириб юборилди. Ҳар йили қурилаётган квартираларнинг сони жиҳатидан Совет Иттифоқи энг тараққий этган капиталистик мамлакатларни анча орқада қолдириб кетди, 1954 йил билан 1963 йил ўртасидаги ўн йил ичида шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида жами 630 миллион квадрат метр бўлган уй-жойлар — 17 миллиондан кўпроқ квартира ва қишлоқ жойларда 6 миллионга яқин уй қурилди. 108 миллион киши — Совет Иттифоқидаги бутун аҳолининг қарийб ярми янги уйларга кўчиб кирди ва уй шароитларини яхшилаб олди.

Бу ажойиб ишлар коммунизм фаровонлигининг аён нишоналари эмасми? Бу янги уйлар ва уларда қайнаётган янги ҳаёт ўтмишда қашшоқ ва ҳароба мамлакатни қудратли, бой, фаровон мамлакатга айлантириш ҳақидаги Ленин орзусининг тўла рўёбга чиққанлигидан далолат берувчи ёрқин далилдир.

Коммунистик партиямиз ҳар бир янги, улуғ, революцион, новаторлик ишларига киришган вақтда ўзининг гениал йўлбошчиси Ленинга, илм ва донолик ҳазинаси бўлган ленинизмга мурожаат қилади. Маълумки, партиянинг социализм ва коммунизмнинг моддий негизини яратиш соҳасидаги бутун фаолиятида унинг иқтисодий программаси аҳамиятини Ленин доим уқтириб келган эди. Шунинг учун КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми, содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев химия саноатини жадал ривожлантиришни ҳозирги даврда мамлакат экономикасини янада юксалтириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш учун ҳал қилувчи фактор деб ҳисоблаб, ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленум минбарида туриб, агар Владимир Ильич Ленин ҳозир барҳаёт бўлганда, балки, коммунизм — Совет ҳокимияти ва бунинг устига бутун мамлакатни электрлаштириш ва халқ хўжалигини химиялаштиришдир, деган бўлар эди, дейиши билан химиянинг коммунизм қуришидаги ғоят катта аҳамиятини доришмандлик билан кўрсатиб берди. Бу ленинизмни ижодий ривожлантиришнинг ёрқин қамунасидир.

«Биз халқаро революцияга бўлган асосий таъсиримизни ўз хўжалик сиёсатимиз билан кўрсатамиз»,— деб уқтирган эди В. И. Ленин. «Бутун дунё миқёсида кураш ана шу соҳага кўчирилди. Агар биз бу вазифани ҳал қилсак,— у вақтда халқаро миқёсда албатта ва узил-кесил ғалаба қозонган бўламиз» (Асарлар, 32-том, 486-бет).

Партиямиз коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида ғоят зўр муваффақиятларга эришаётган, мамлакатимиз ва бутун социалистик мамлакатларнинг иқтисодий соҳадаги буюк муваффақиятлари жаҳонни қойил қолдираётган, фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳасидаги зўр муваффақиятлар совет кишисини қонот юксакликларига олиб чиққан, партиямиз химия саноатини ривожлантириш соҳасида мислсиз мардонавор вазифаларни қўйган ҳозирги даврда улуғ Ленининг бу доно сўзларининг катта аҳамияти айниқса яққол намоён бўлмоқда. Совет Иттифоқининг, барча социалистик мамлакатларнинг экономикаси нақадар кучли бўлса, дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев, социалистик тузумнинг афзалликлари шу қадар кўпроқ намоён бўла беради, уларнинг бутун дунёдаги меҳнаткашлар онгига ва қалбига, озодликка чиққан халқлар онгига ва ўз миллий-озодлиги учун курашаётган ҳамда янги турмуш қуриш йўлига тушиб олаётган халқлар онгига ўтказаётган революционлаштирувчи, илҳомлантирувчи таъсири шу қадар кучли бўла беради. Улуғ Ленин идеяларининг, Коммунистик партиямиз Ленин васиятлари асосида амалга ошираётган буюк сиёсий ва иқтисодий программанинг жуда катта халқаро аҳамияти ана шунда.

Ленинизм — буюк интернационалистик таълимотдир. Пролетар интернационализмига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатимизда коммунистик қурилишни совет халқининг буюк интернационал вазифаси деб, бутун жаҳон социалистик системасининг манфаатларига, халқаро пролетариат манфаатларига, бутун инсоният манфаатларига жавоб берувчи вазифа деб билади. Ленин васиятларига содиқ бўлган партиямиз марксизм-ленинизм принциплари асосида халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслигини мустаҳкамлаш учун, жаҳон социалистик системасининг монолитлиги учун қатъият билан кураш олиб бормоқда.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган азиз дўстимиз Фидель Кастро яқиндагина Москвада сўзлаган нутқида Совет Иттифоқини тинчлик, тараққиёт, халқлар ва инсонинг чинакам озодлик кўргони деб атади. «Совет Иттифоқи бизнинг Куба ўртасидаги дўстлик,— деди у,— марксизм-ленинизм принципларидан илҳоманган халқлар ўртасидаги муносабатларнинг ажойиб намунасидир». Улуғ ленинчи партиямизнинг пролетар интернационализми принципларига содиқлигини ёрқин ифодалаб бериш учун бундан кўра ўткирроқ сўз топиш қийин. Дарҳақиқат, Америка қитъасининг «Озодлик ороли»дан келган азиз меҳмонимиз Фидель Кастро ва Куба халқи учун совет халқининг — буюк, қаҳрамон, қудратли халқнинг мадади, жаҳонда энг интернационал, энг олижаноб халқ ва партиянинг мадади ҳаммадан ҳам қадрлидир.

Ленин номини дилга жо қилган, Ленин байроғини баланд кўтарган партиямиз, халқимиз тинчлик идеяларига, халқлар дўстлиги идеяларига, пролетар интернационализми идеяларига ҳамиша содиқ бўлиб қолади.

Ленинизм — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли қуролидир. Ленинча яшаш ва ишлаш, улуғ Ленин каби бўлиш ҳар бир совет ватанпарварининг орзуси, коммунизм қураётган янги инсоннинг энг эзгу тилагидир.

Партия ҳозирги босқичда идеология ишидаги асосий вазифа — барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва ахлоқининг қолдиқларини батамом тугатишдан, шахсни ҳар томонлама, гармоник тарзда ўстиришдан, чинакам маънавий маданият бойлигини вужудга келтиришдан иборат, деб ҳисоблайди. Шунинг учун партиянинг идеология иши, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари июнь Пленумида ҳар тарафлама муҳокама қилиб чиқилди. Партия хўжалик қурилиши вазифаларини халқни коммунизмнинг юксак идеялари руҳида тарбиялаш билан ҳамиша чамбарчас боғлаб олиб борди ва боғлаб олиб бормоқда. Ленинизмнинг талаби, коммунистик тарбия соҳасидаги ишимизнинг ленинча қоидаси ана шундай.

Ижодий меҳнат шахсни коммунистик руҳда тарбиялашнинг, уни ҳар тарафлама ривожлантиришнинг асосидир. Давримизнинг қаҳрамони, даставвал, меҳнат қаҳрамонидир. Совет кишиси қаерда бўлмасин ҳамма ишларда буюк яратувчилик, қаҳрамонлик намунасини кўрсатмоқда. Совет кишисининг қилаётган ҳар бир ватанпарварлик ишлари янги дунё яратувчилар учун илҳомбахш намунадир. Чунки совет кишиси Ленин авлодидир, революцияни биринчи бўлиб амалга оширган, биринчи бўлиб социализм қурган, коммунизмни биринчи бўлиб барпо қилаётган авлоддир. Ҳар бир совет кишисининг қалбида Ленин номи, Ленинга муҳаббат, Ленин идеяси, Ленин образи ҳамиша яшайди.

Ҳар бир совет ватанпарвари улуғ Ленин вужудга келтирган, вояга етказган социалистик давлатимизни ўз давлати, ўз ҳокимияти, яъни халқ ҳокимияти деб зўр фахр билан айта олади. Дарҳақиқат, Советлар, В. И. Ленининг ибораси билан айтганда, омма билан, халқнинг кўпчилиги билан шунчалик маҳкам узилмас алоқа боғлайдики, илгари давлат аппаратида бунга ўхшаш нарса асло бўлган эмас.

Биз В. И. Ленин томонидан илгари сурилган мақсадни амалга оширишга — гражданларнинг беистисно ҳаммасини давлат функцияларини бажаришга жалб қилишга яқинлашиб қолдик. Советлар давлат ва жамоат ташкилоти белгиларини ўзида мужассамлаштириб, ҳозирданоқ уларнинг фаолиятида омма кенг кўламда ва бевосита иштирок қилмоқда. Бу — социалистик давлатимизнинг умумхалқ характерини кўрсатувчи яққол далилдир. Ҳар бир совет кишиси жамият ишларини бошқаришда актив иштирок этиши лозим. Бизнинг шиоримиз, вазифамиз ана шу, дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев.

Улуғ Ленин Коммунистик партиямизни давримизнинг ақлидроки, шон-шарафи ва виждони деб атаган эди. Шонли партиямизга берилган бу юксак баҳо бизнинг марксчи-ленинчи партиямиз бутун халқ партияси бўлиб қолган, халқ билан алоқаси мислсиз даражада мустаҳкамланган ҳозирги даврда айниқса катта мазмун касб этмоқда. Партиямиз доимо халқ билан биргадир, халқ партия билан биргадир. Ленин идеяларини доимо кўнглига жо қилиб олган халқимиз партиямиз чақириғига, коммунизм қуриш йўлида партиямиз кўяётган вазифаларни сидқидил билан бажаришга доим тайёрдир. Чунки халқимиз партиямиз, унинг содиқ ленинчи Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитети амалга ошираётган йўл Ленин йўли эканлигини яхши билади.

«Биз улуғ Ленин кўрсатиб берган ҳаққоний, бирдан-бир тўғри йўлдан бормоқдамиз,— дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — Бу йўлда ҳар қанча қийинчилик учраса ҳам, Коммунистик партия, совет халқи бу қийинчиликларни енгиб ўта беради. Совет халқининг мўлжалланган мақсадга етишига ҳалақит бера оладиган куч дунёда йўқ».

В. И. ЛЕНИН.

РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби П. Васильев ишлаган сурат. (ТАСС фотохроникаси).

ЙЎҚОЛГАН ЮК

Шундан сўнг Псковдан Москвага тезлик билан одам юборилди. Псковдаги В. И. Ленининг уй-музейи ходими И. Лукина ҳалиги топилган рўйхатнинг фотокопиясини олади.

Маълум бўлишича, Ленининг шахсий кутубхонасида 380 га яқин китоб бўлган. Булар орасида К. Маркс «Капитал»ининг 3-томи, Ф. Энгельснинг «Оила, хусусий мулкчилик ва давлатнинг келиб чиқиши» асари, Ленининг «Россияда капитализмнинг ривожланиши» китоби, шунингдек буюк инглиз экономисти Давид Рикардо, француз утописти Фурье, немис майда буржуа социалисти Лассаль ва бошқаларнинг асарлари бўлган.

Ленин шахсий кутубхонасининг учдан бир қисмини чет тилларда ёзилган китоблар ташкил этган. Бадиий адабиётлар ҳам бўлган. Масалан, Тургенев, Шекспир, Бальзак, Гёте, Кольцов ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари ҳам Ленининг юклари орасида бўлган. Бу ерда турли статистик тўпламлар, справочникларни ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда Псковдаги В. И. Ленин музейининг ходимлари деҳқонинг XX аср бошларидаги шахсий кутубхонасига кирган асарларни танламоқдалар. Бу кутубхонани тиклаш учун ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Лекин қандай бўлмасин, у албатта яхши натижа беради, деҳқонинг Псковдаги революцион фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш имконини яратади.

Е. АЛЕКСАНДРОВ,
Псков шаҳри.

Қадимги рус шаҳри — Псков жуда кўп тарихий воқеаларнинг шоҳидидир. Шаҳар тарихи мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган революцион воқеалар билан чамбарчас боғланган. Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленининг Псковда 83 кун ҳаёт кечирганлиги ана шу воқеалар ичида алоҳида аҳамиятга эга. Ленин бу ерга умумрус сиёсий газетаси — «Искра»ни нашр этиш билан боғлиқ бўлган тайёргарлик ишларини олиб бориш учун келган эди.

Ленининг Псковдаги жўшқин революцион фаолиятини эслатувчи ўша кунлар псковликлар учун ҳамиша жуда яқин ва қимматлидир. Шаҳарда В. И. Ленин музейи ташкил этилган бўлиб, у доимо янги-янги материаллар билан бойитиб турилади. Музейдаги қимматли экспонатлар, ҳужжатлар, нодир фотосуратлар ва бошқа материаллар диққатни жалб қилади.

Псковликларни улуғ деҳқонинг шу ерда яшаган даврдаги шахсий кутубхонасининг тақдири кўпдан бери қизиқтириб келарди. Бу кутубхона Владимир Ильичнинг Псков шаҳрида олиб борган революцион фаолияти билан бевосита боғланган.

...1900 йилнинг май ойи: Ленин узоқ кутишлардан сўнг чет эл паспортига эга бўлади ва Псковдан жўнаб кетишга ҳозирлик кўради. У Подольскга онасига ёзган хатида ўзи билан бирга ҳамма нарсаларини, шу жумладан китобларини ҳам олиб кетишини айтган эди.

1900 йил 19 майда Ленин эрталабки поезд билан Петербургга келади. Унинг бу ерга келиши қатъиян ман қилинган эди. 21 май куни полиция уни қамоққа олади. Етарли асос бўлмаганлиги сабабли орадан бироз вақт ўтгач, Ленинни қўйиб юборадилар. Владимир Ильич Москвага келганида подшо охранкаси унинг юкларини ушлаб қолади.

1900 йил 16 июлда В. И. Ленин Россиядан чет элга жўнаб кетади. Эртаси куни подшо охранкаси унинг юкларини Подольск шаҳрига жўнатиш ҳақида фармойиш беради. Шундан сўнг Ленин юкларининг тақдири тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Жандармлар юкни мусодара қилишган, деган тахминлар ҳам бўлган. Лекин бу ҳақда аниқ бир маълумот бўлмаган.

Жуда кўп қидирувлар, шу жумладан псковликларнинг тинимсиз қидирувлари ҳам узоқ вақт натижа бермади. В. И. Ленининг шахсий кутубхонаси ва қўлёзмаларини топиш иштиёқи доимо кўпчиликни қизиқтирарди.

Ниҳоят, яқинда бир рўйхат топилиб қолди. Бу рўйхат Ленининг юклари жандармлар томонидан текширилаётган пайтда тузилган бўлиб, унда китоблар ва қўлёзмалар бирма-бир саналган эди. Рўйхат Москвадаги Марксизм-ленинизм институтининг архивига сақлаш учун топширилди.

ҚУМ ҲАЛҚАСИ ИЧИДАГИ ГАВҲАР

(ЛЕНИН ҲУЖЖАТИ ИЗИДАН)

□ □

...1921 йилнинг кузи. Мамлакатнинг кўпгина районларида гражданлар уруши бошланиб кетганлиги, очлик ҳукм сураётганлиги ҳақидаги серташвиш хабарлар Россиянинг узоқ чекка ўлкасига ҳам етиб келди... Ўша кунларда балиқчиларнинг Қизилқум ва Қорақум чўлларидаги хилват посёлкаларига Халқ Комиссарлари Советининг «Орол денгизидаги ишчи, балиқчи ўртоқларга» мурожаати келибди, уни Владимир Ильич Ленин имзолаган эмиш, деган хабар тарқалди. Улуғ доҳи очларга ёрдам беришни сўраган эди.

«...Сиз,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— бир-биридан жуда узоқ бўлган жойлардаги пролетарларнинг бир-бирига берадиган кенг ёрдамига таянган ишчилар Совет давлатининг куч-қудрати енгилмас эканлигини бутун дунёга, энг аввало барча меҳнаткашларга кўрсатган бўласиз».

Орол балиқчилари доҳининг чақириғини бажонидил қувватлаб кутиб олдилар. Улар бир ғайратларига икки-уч ғайрат қўшиб ишладилар ва тез орада темир йўл томон сузаётган пароход ва баржаларнинг кети узилмай қолди.

...Йиллар ўтиб, мамлакат ҳаробалардан қаддини ростлаб олди. Шундан сўнг фабрика ва заводларнинг ишчилари оролликлар яхшилигига яхшилик билан жавоб қайтардилар. Совет Иттифоқидаги республикалар Ўрта Осиёдаги энг йирик Мўйноқ балиқ консерва заводини қуришда, флотни замонавий кемалар билан қуролланти ришда, балиқчиларни эски ўтовлар ва кулбалардан шинам уйларга кўчиришда қорақалпоқларга кўмаклашди.

...Амударё. Афсонавий ажиб бир дарё бу. У, ўз йўлидаги қирғоқларни, экинзорларни ва боғларни ювиб кетаберади. Ўз дельтасига бир юз эллик миллион кубометр балчиқ олиб келади, ғовлар ҳосил қилиб, денгизга олиб борадиган ўз йўлини ўзи тўсиб қўяди. Дарё йўл топишга интилиб, ўзанини ўзгартирар экан, маҳаллий аҳолининг бошига бир талай ташвишлар солади. Маҳаллий аҳоли чучук сув қидириб, обод жойларни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Яқин-яқинларда ҳам дарё дельтасидаги тўқайзорлардан йўлбарсларнинг бўкириги эшитилиб турар эди. Ҳозир эса моторлар тинмай гувулламоқда. Қудратли ер қазиш машиналари чучук сувга янги йўл очиб беряпти. Бу машиналарни уддабурон қорақалпоқлар, руслар, қозоқлар, украинлар, туркманлар бошқаришмоқда.

Лекин бу хамир учидан патир, холос. Амударё бўйида қурилаётган қатор янги иншоотлар асов дарёни абадий жиловлаб, доимий бир ўзанга солиб юборади. Шўр сувли Орол денгизининг ёнида тўққиз миллиард кубометр чучук сув сиғадиган сунъий денгиз бунёдга келади.

Халқ Орол денгизини қум ҳалқаси ичидаги гавҳар деб атайди. Лекин бу район қимматбаҳо тошлари билан шуҳрат қозонмаган. Бу ўлка халқнинг дўстлиги билан, Владимир Ильич абадий асос солган дўстлик билан шуҳрат қозонган!



Суратларда: (чапдан) 1. В. И. Ленин Октябрь кунларида қизил гвардиячилар билан суҳбатлашмоқда.

РСФСР да хизмат кўрсатган санъат арбоби П. Васильев ишлаган сурат.

(ТАСС фотохроникаси).

2. Ульяновск шаҳрининг Ленин кўчасидаги 58-уйда улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленининг Уй-музейи ташкил этилган. Суратда: В. И. Ленин мактабда ўқиб юрган даврида яшаган хонанинг кўриниши.

А. Иевлев фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ТАШАББУСКОР ПАЙВАНДЧИ

В. Савкин — Пахтачилик саноати бўйича Марказий илмий-тадқиқот институтининг тажрибали слесари. Унинг ишидан барча мамнун. Масъулиятли ва муҳим вазифаларни беками-кўст адо этишда у ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Суратда: ўртоқ В. Савкин электр мотори қисмларини йиғаяпти.

М. Комлев фотоси.

Станокларнинг бир маромда гуралдаши цех корпусини аста титратаётгандек туюлади. Гоҳ у, гоҳ бу ерда ёрқин юлдуздек кўкиш нурлар лоп этиб ёнади-ю, зум ўтмай яна ўчади. Бу — пайвандчилар машъаласи...

Ёш электр пайвандчи Николай Баранов бу касбни эгаллаб олганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин унинг моҳир қўллари электродни металлга яқинлаштириши биланоқ учқунлар чарс-чурс сачрайди-ю, темир ҳам, пўлат ҳам сув каби эриб оқади. Бир дақиқада деталь пайвандланади, боғгина ажралиб ётган кемтик жой ёпилади. Бу шунчалик тез бўладики, қараб ҳайрон қоласан.

Николай иш давомида тежаб қолган дақиқалари ҳақида анча гапириш мумкин. Аввалари у пайвандчи Рихсиев билан бирга ишлар эди. «ПТС-766 М» маркали прицепнинг улама кўприкчасига бир томондан Николай, иккинчи томондан унинг ҳамкасби кронштейнни пайвандларди. Деталь пайвандланиб бўлгач, икки слесарь «кондуктор»дан улама кўприкчани олиб янгисини қўяр эди. То янги прицеп қўйилгунча иккала пайвандчи ҳам бекор турарди.

«Шунча вақт бекорга ўтяпти. Нима қилиш керак?»

Бу савол ёш пайвандчининг ҳаёлини банд этиб қўйди. Николай ҳар куни ишдан кейин ҳам алламаҳалгача цехдан чиқмайдиган, кўпинча техника кутубхонасида соатлаб қимирламай ўтирадиган бўлиб қолди.

Дўстлари Николайнинг ўзгариб қолганини сезишар, аммо унинг ўзи сир бой бермасликка уринарди. Охири бўлмади. Бир куни участка мастери Михаил Агафонов Николайни қаттиқ «исканжа»га олди.

— Буёққа юр-чи! — деди у ва Николайни техника кабинетига бошлаб кирди. Технолог Анатолий Вяликов ҳам шу ерда ўтирган экан.

Николай аввалига тортиниб турди-ю кейин юрагидагини тўкиб солди. Бир варақ қоғоз олиб ўз иш жойини чизиб кўрсатди.

— Мана, — деди у чертёжга имо қилиб, — мана шу «кондуктор»да Рихсиев иккаламиз кронштейнни улама кўприкчага пайвандлаймиз. Енимда икки слесарь деталнинг тайёр бўлишини кутиб туради. Бир детални пайвандлашга узоғи билан бир ярим минут кетади. Қизиқ, деталь бир ярим минутда тайёр бўлади-ю, слесарлар пайвандланган жойни камида икки минут тозалайдилар. «Кондуктор»га янги улама кўприкча қўйилгунча яна анча вақт ўтади. Ваҳоланки, бу вақт ичида яна битта детални пайвандлаш мумкин.

Ҳаммалари бир зум жим қолишди. Кутилмаганда технолог Вяликов кулиб юборди. Николайнинг энсаси қотгандай, технологга қараб қўйди.

— Шунча кундан бери бош қотириб юрганинг шумиди? — Технолог Николайнинг ранжиганини кўриб кулишдан тўхтади.— Менга қара ука, иш участкангизнинг майдони қанча?

Николай елкасини қисиб қўйди.

— Ким билсин?

— Ўлчаб келмайсанми ҳозир?

Николай эрмак қилаяптими, деб технологга қаради-ю, унинг хотиржамлик билан тикилиб турганини кўриб хонадон чиқиб кетди.

«Мен ундан маслаҳат сўрасам, майдон ҳақида гапирадия, — Николай ўз-ўзидан хунов бўлиб бораркан, ҳаёлига бир фикр келиб қолди. — Ростдан ҳам майдончага яна битта «кондуктор» жойлаштирсак бўлмайдими? Ахир шундай қилсак, иш суръати икки марта тезлашади-ку!»

Николай участка майдончасига югурди: бўйини, энини ўлчаб кўрди. Тайёр деталлар бир чеккага йиғиштирилса, бемалол яна битта «кондуктор» ўрнатиш мумкин.

... Орадан бир ойча ўтар-ўтмас, Николайнинг участкасида яна битта «кондуктор» пайдо бўлди. Николайнинг бир ўзи иккита «кондуктор»да ишлай бошлади. Шу кичик ўзгаришнинг ўзи йилига 1900 сўм фойда келтиришини Николай ўйлаб ҳам кўрмаганди. Цех ичи ҳамон станоклар овозидан астагина титрайди. У ер — бу ерларда «Прометей машъаласи» — пайвандчилар машъаласи ловуллаб қолади. Бу — Николай Баранов ва унинг дўстлари ёқаётган машъаладир.

Б. ПАК,
«Ташавтомаш» заводи.

ЗАРУР ҚИСМЛАР ЕТИШМАЁТИР

«Средазуголь» комбинатига қарашли Оҳангарондаги кўмир разрезининг 2-участкаси коллективи етти йилликнинг бешинчи йили планини 22 декабрдаёқ бажариб, пландан ташқари бирнеча эшелон «қора олтин» жўнатди. Олтинчи йил планини ҳам муваффақиятли бажариш учун курашаяпмиз.

Бироқ, бизнинг унумли ишлашимизга тўсқинлик қилаётган талайгина камчиликлар ҳам бор. Одимловчи экскаватор тез-тез бекор туриб қолаётир. Чунки, бизда шу экскаватор учун заводда тайёрланган шестернялик вертикаль-поворот вал йўқ. Шунинг учун ҳам экскаватор ремонти шаҳардаги марказий ремонт заводида бажарилиши керак. Афсуски, у ерда ҳам шестернялик вал йўқ. Заводда тайёрланаётган валлар узоққа чидамайди.

Агарда «Средазуголь» комбинати раҳбарлари юқорида кўрсатиб ўтилган зарур қисмлар билан ўз вақтида таъминлаб турсалар, биз янада унумли ишлаб, пландан ташқари кўплаб ёқилғи берган бўлур эдик.

В. ТЕ,
кўмир разрези 2-участкаси бошлиғи.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг биринчи тўқув фабрикаси коллективи янги йилнинг биринчи кунларидаёқ ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб яхши натижаларга эришмоқда. Айниқса ип йигириш цехининг азаматлари сифатли ва салмоқли маҳсулот ишлаб чиқаришда барчага ўрнак бўлишаяпти. Цех меҳнатсеварлари смена нормаларини доимо ортиғи билан адо этмоқдалар. Суратда: ип йигириш цехи аъзолари смена дан сўнг.

А. Тўраев фотоси.

ЧЎПОН

Адрда ўтлаб юрган қўй-қўзилар совуқни парво қилмай, туёғи билан қорни титиб-титиб, кун бўйи яйраб ўтлади. Кечга томон қаттиқ изғирин турди. Совуқ қўйларни гангитиб қўймасин деган ўй билан чўпон Эргаш ака боқувидаги қўйларни қўрага ҳайдади...

— Қишмисан-қиш бўлди-да! — деди у қўрага келганда рафиқаси Олима опага.

Тўртюздан зиёд қўй-қўзи қўрани тўлдирди. Олима опа Эргаш акага кўмаклашди. Қўйларни бир-бир кўздан кечиришди. Совлиқларнинг бўғозларини алоҳида-алоҳида қўйишди. Зийрак чўпон икки совлиқнинг ҳолатини кўриб:

— Булардан кўз-кулоқ бўлишимиз керак!— деди рафиқасига.

Тажрибанор чўпоннинг айтганича бўлди. Орадан кўп ўтмай икки совлиқ ҳам кўзилади. Бири эгиз ғўғди, иккинчиси эса ёлғиз... Олима опа уч қўзини авайлаб иссиқ жойга қўйгач, бу кувончли хабарни Эргаш акага етказди.

...Эр-хотин Жунусбековлар Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхознинг илғор қўйбоқарларидир. Эргаш ака Жунусбеков қўйларни яхши парвариш қилгани учун улардан кўп қўзи олишди ва мўл жун тайёрлашда энг яхши кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Ўтган йили у ҳар 100 бош совлиқдан 130 бошдан қўзи олди. Қўзилар яхши парвариш билан сал кунда она қўйлар қаторига ўтди.

Колхоз правлениеси Эргаш акани бу муваффақиятлари учун яқинда «Волга» енгил машинаси билан мукофотлади.

— 1964 йилда,— деди Эргаш ака мукофотни олар экан, — яна ҳам яхши ишлашга, эл дастурхонига мўл-нўл думба ёғи, қўй гўшти ва майин жун етказиб беришга ҳаракат қиламан!

В. ҚОДИРОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Туркистонда, шу жумладан Ўзбекистонда, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети етакчи роль ўйнади.

Советлар 1905—1907 йилларда бўлган буржуа демократик революцияси натижасида вужудга келди. Ўша вақтда Советлар ишчилар синфининг иқтисодий ва сиёсий стачкаларига бевосита раҳбарлик қилувчи қуролли қўзғолон органи эди.

В. И. Ленин 1905 ва 1917 йил революцияларининг тажрибасини ўрганиш асосида Советлар республикасини пролетариат диктатурасининг давлат формаси сифатида илгари сурди. Бу — мамлакатимизда социалистик революциянинг ғалаба қозонишида ғоят катта роль ўйнаган буюк илмий кашфиёт эди.

В. И. Ленин Советларни характерлаб, бундай деган эди: «Бу — ҳамма учун очиқ, ҳар нарсани омма кўз ўнгида қиладиган, омма учун қулай бўлган, бевосита оммани ўзидан келиб чиқадиган ҳокимият, ҳалқ оммаси ва унинг иродасини тўғридан-тўғри ва бевосита ифода қиладиган органдир».

1917 йилнинг март ойида, Россия ишчи ва солдатлар депутатлари совети шаклида, Ўрта Осиёда биринчи Советлар вужудга келабошлади.

1917 йилнинг 2 мартида темир йўл ишчилари таташбуси билан Тошкентда ҳам ишчи депутатлари Совети ташкил этилди. Шу вақтда Тошкент гарнизони солдатлари солдат депутатлари Советини ташкил қилдилар. Шундан кейин, республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам кетма-кет ишчи ва солдат депутатлари Советлари пайдо бўлабошлади. Ишчи ва солдат депутатлари Советлари қаторига деҳқонлар депутатлари Советлари ҳам пайдо бўлди. Кейинчалик ишчи депутатлари Совети солдат депутатлари Совети билан бирлашди.

1917 йилнинг октябрида бутун мамлакат бўйлаб қуролли қўзғолон етилган эди. 10 октябрда большевиклар партияси Марказий Комитетининг тарихий мажлиси бўлиб ўтди. Унда В. И. Ленин ижод этган қуролли қўзғолонни тайёрлаш ва ўтказиш йўл-йўриқлари батафсил кўрсатилган резолюция қабул қилинди.

18 октябрда Тошкент шаҳар Советининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Бунда ҳокимиятни советларга олиб бериш масаласи муҳокама қилинди ва амалий тадбирлар белгиланди.

Большевиклар партияси томонидан тайёрланган қуролли қўзғолон Петроградда 1917 йил 25 октябрда (7 ноябрь) ғалаба қозонди. Шу куни очилган Бутунроссия Советларининг II-съезди ер ва сулҳ тўғрисидаги машҳур ленинча декретни қабул қилди. Съезд большевиклардан иборат биринчи Совет ҳокимияти—Халқ Комиссарлари Советини тузди. Халқ Комиссарлари Советининг раиси қилиб В. И. Ленин сайланди. Ишчилар синфининг бу оламшумул тарихий ғалабаси бутун мамлакат бўйлаб тез тарқалди.

Бу ғалабадан бениҳоя руҳланган Тошкент шаҳар большевиклари худди шу куниёқ шаҳар Совети ижрокомининг йиғилишини чақиришди ва қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўриш тўғрисида қарор қабул қилишди.

1 ноябрда эса маҳаллий давлат ҳокимияти бутунлай Тошкент Советига ўтганлиги эълон қилинди. (Шунга қадар шаҳар Совети маҳфий равишда иш олиб борарди).

Тошкент шаҳар ишчи ва солдат депутатлари Советига вакиллар демократик тартибда сайланарди. Шуни ҳам айтиш керакки, ўша вақтдаги тарихий вазият аҳолининг баъзи табақасини бу ҳуқуқдан бенасиб қилиб қўйишни тақозо қиларди: бойлар, савдогарлар, завод ва фабрика эгалари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди.

Ўзбекистон ССР-нинг 40 йиллиги олдидан

Шундай қилиб, Тошкент шаҳар Совети ва унинг Ижроия Комитети меҳнаткашлар оммасининг жанговар органи бўлиб қолди. Унинг структураси шаҳар олдида турган муҳим масалаларни оператив ҳал қилиш жараёнида ўзгариб борди. Шаҳар Совети биринчи кунларданоқ давлат масалаларини Ленин ғоялари асосида ижобий ҳал қилабошлади. Ниҳоят, 1917 йилнинг декабрида контрреволюцион орган бўлган шаҳар думаси тарқатиб юборилди.

1918 йилнинг 20 январида шаҳар Совети ҳузурида революцион трибунал тузилди. Унинг вазифаси: контрреволюция унсурларига қарши курашиш, ишчилар синфининг туб манфаатини ҳимоя қилиш, мазлум омманинг Улуғ Октябрь социалистик революция туфайли рўёбга чиққан асрий орзу-умидларини сақлаб қолишдан иборат эди. Миллий буржуазия эса ўз мавқеини сақлаб қолиш учун барча контрреволюцион кучларни атрофига тўплаб, советларга қарши курашни активлаштираверди. Миллий буржуазия Қўқон «мухторияти» шиорининг остида шаҳар Совети фаолиятига қарши кураш олиб борди.

Тошкент шаҳар Совети эса, ўз активлари, ташвиқотчилари ташаббусида кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида тушунтириш ишлари олиб борди ва Қўқон «мухторияти» шиорининг синфий моҳиятини очиб ташлади ҳамда уни тор-мор келтирди.

Кўпгина сиёсий-иқтисодий ва маданий масалаларни Пролетариат революцияси позициясила туриб ҳал этишда Тошкент Совети ва унинг ижроия Комитети Туркистон ўлкасидаги Маҳаллий Советларга намуна кўрсатди. Шаҳар совети банка, суд, Қизил Гвардия, ишчи ва деҳқон милицияси каби аппаратлар тузди ва уларнинг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилди. Советнинг бутун сиёсий фаолиятига 1917 йил декабрь ойида ташкил топган шаҳар большевистик ташкилоти раҳбарлик қилди.

Шаҳар Совети жиддий ишга киришди. У Туркистон ўлкасининг Совет Россияси билан алоқасини мустаҳкамлашда ҳам зўр муваффақиятларга эришди. Совет давлат ташкилотларига маҳаллий миллат меҳнаткашлари вакилларини кўплаб жалб қилди. Ташкилотларда иш юритиш рус тили билан бир қаторда маҳаллий тилларда олиб борилди. Ўзбек, туркман, тожик ва Ўрта Осиёда яшовчи бошқа халқлар тилида китоблар нашр этилди, мактабларда она тили билан бир қаторда рус тили ҳам ўргатилабошланди. Н. В. Шумилов, В. Д. Войтиншцев, Н. Я. Першин, О. Бобожонов, В. Н. Финкельштейн, ака-ука Қосимхўжаевлар, М. Мирходиев, И. Ходиев, Б. Нурмуҳамедов ва бошқа кўплаб революционерлар Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашнинг олдинги сафларида бордилар ва Тошкент Советининг фаолиятига яқиндан ёрдам бердилар.

Шаҳар Совети барча реакцион кучларнинг ҳужумига қарши олиб борилган бетиним курашда ўсди ва мустаҳкамланди. У ўша даврда мамлакат ҳаётида вужудга келган ниҳоят оғир вазиятни бартараф қилишга меҳнаткашларни сафарбар қилаолди. Революцион қонунчиликни бузувчилар шаҳар Совети ҳузурида тузилган революцион судлар томонидан шафқатсиз жазоланарди. Завод ва фабрикаларда тузилган қизил гвардия отрядлари шаҳар Совети раҳбарлигида иш олиб борарди. Шундай қилиб, Тошкент Совети Улуғ Октябрь социалистик революцияси байроғини баланд кўтарди. Шаҳар Совети аъзолари орасида революция иши учун содиқ бўлган большевиклар кўпчиликни ташкил этарди. Шунинг учун ҳам шаҳар Совети Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ҳамма кўрсатмаларини ҳеч оғишмай ҳаётга татбиқ қилди.

Тошкент Советининг ижроия комитети фақат ижро органигина бўлиб қолмасдан ижодий ишлар органи ҳам эди. У революция қонунчилиги, пролетариатнинг синфий манфаатларини кўзда тутиб, ўша оғир тарихий шароитда муҳим сиёсий вазифаларни изчиллик блан амалга оширди.

Социалистик қурилиш йилларида Тошкент шаҳар Советининг ташкилотчилик роли яна ҳам яққол кўринди. Унинг халқ хўжалиги ва маданий қурилишдаги роли тобора ошди, меҳнаткашлар билан алоқаси мустаҳкамланди. Шаҳар Совети ҳақиқий халқ ҳокимиятига айланди.

Ҳозир, коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда, Тошкент шаҳар Совети ўз-ўзини идора қилиш органи, давлат ва жамоатчилик белгиларини мужассамлантирувчи ташкилотга айланди. У ҳақиқий умумхалқ органи, шаҳримиз аҳолисининг кенг қисмини ўз ичига олган энг оммавий, энг демократик ва обрў-эътиборли ташкилотдир.

Ҳозирги вақтда шаҳар Совети атрофида ҳар хил иқтимоий ташкилотлар ҳам тузилмоқда, уларнинг аъзолари эса давлат функцияларини маош олмай — ихтиёрий равишда бажармоқдалар. Бундай иқтимоий ташкилотлар маҳалла, уй, квартал комиссиялари, хотин-қизлар совети, ота-оналар комитети, пенсионерлар совети, ўртоқлик судлари, халқ дружиналари, новаторлар Совети, санитария комиссиялари ва бошқа ташкилотлардир. Бу ташкилотлар катта кучдир.

Шаҳар Совети Ижроия Комитети қошида штатсиз бўлимлар ва инспекторлар ҳам ишлаб турибди.

Мамлакатимизда коммунистик қурилиш такомиллашгани сари пойтахтимиз Совети ҳам давлат ҳокимияти органидан халқ ташкилотига, иқтимоий ўз-ўзини бошқариш жамоат ташкилотига айлана боради. «Революция алангаси ичида туғилган, халқнинг ҳокимият учун кураш органи бўлган Советлар, — дейди Н. С. Хрушчев, — бутун халқни ўз ичига олган ташкилот, халқнинг бирлигини мужассамлаштирувчи ташкилот бўлиб қолди, миллион миллионларнинг иқтимоий фаолият мактабига айландики, бундай мактабни инсоният ўзининг бутун тараққиёти тарихида ҳеч қачон кўрмаган эди».

Республикамизнинг гуллаб-яшнашида Тошкент шаҳар Советининг ҳиссаси катта. Серқуёш Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкент эндиликда пахтакор ўлкамизга нур сочиб турибди, 40 йил ичида мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Тошкент Ўрта Осиё республикаларининг сиёсий-иқтисодий маркази ҳамдир. Унинг шон-шавкати, ҳатто, бутун дунёга машҳур бўлиб қолди.

Пойтахтимиз қиёфаси шаҳар Советининг катта ишлари эвазига таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Эндиликда Тошкент Иттифоқимизнинг саноат, фан ва маданияти тараққий этган шаҳарларидан бири бўлиб қолди. Пойтахтимизда ана шу катта ютуқларни қўлга киритишда шаҳар Совети етакчи роль ўйнаб келди ва бундан буён ҳам ана шундай бўлиб қолади.

С. СУЛТОНОВ,
Р. ҚОДИРОВ.
юридик фанлари кандидатлари.

Тошкент сут маҳсулотлари комбинатига областимиз колхоз ва совхозлари фермаларидан ҳар куни 50—60 тонна сут келтирилади. Комбинат меҳнатсеварлари сутни қайта ишлаб ўз ҳамшаҳарларининг нонушталарига ҳаймоқ, сариёғ, пишлоқ каби маҳсулотлар етказиб бермоқдалар. Суратда: комбинат лаборантлари (чапдан) Х. Мансурова ва В. Куренкова ўртоқлар янги келган сутни қабул қилиб олмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

МАҲАЛЛАДА ЛЕКТОРИЙ

Октябрь районидаги «Янги шаҳар» маҳалла аҳолиси навбатдаги йиғилишда ўз қучлари билан қурган клубда лекторий ташкил этишни маслаҳатлашишди. Бунинг учун Республика табиат музейига мурожаат қилдилар. Музей дирекцияси маҳалла активларининг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади ва очиладиган лекторийнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Табиат музейининг илмий ходими ўртоқ С. Муротов лекторийнинг ишларини таништирди. Унга «Халқаро аҳвол», «Одамнинг пайдо бўлиши», «Коинот нима?», «Алкоголизм ва унинг зарари тўғрисида» ва бошқа темалар киритилган.

Шу куни тарих фанлари кандидати М. Аюпов «Халқаро аҳвол» темасида қизиқарли лекция ўқиб берди. Лекция тугагач савол-жавоб бўлиб ўтди. Сўнгра бадиий фильм намойиш қилинди.

Т. ШАРОФИДДИНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Натижаларни маълум қилади

„ОРО ЙЎЛДА ҚОЛГАН ЦЕХ“

Юқоридаги сарлавҳа билан газетамизнинг ўтган йил 226-сонида босилган мақолада 159-қурилиш трестига қарашли темир-бетон буюмлари заводининг Куйбишев районига жойлашган цехи заводдан мутлақо ажралиб қолгани, цехда деярлик ҳамма ишлар қўлда бажарилиб, уни механизациялаш, ишчиларга маданий иш шароити яратиб бериш ҳамда зарур хомашёларни ўз вақтида етказиб бериш тўғрисида ҳеч ким бош қотирмаётгани, хуллас, шу цехда мавжуд камчиликлар ишлаб чиқариш планининг бажарилишига ҳамда маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани очиб ташланган эди.

159-қурилиш трестининг бошлиғи ўртоқ И. Абрасимов мақолада кўрсатилган танқидий фикрлар тўғри, деб жавоб қилди яқинда редакцияга ёзган хатида.

Трест темир-бетон заводи ва унинг цехларида йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш ҳамда иш жараёнларини механизациялаш соҳасида бир қанча чоралар кўрди. Жумладан, темир-бетон конструкцияларини тайёрлайдиган қўшимча майдонлар жиҳозлантирилди. Цементни пневматик усулда узатадиган ҳамда цементни транспортировка қиладиган шнек, арматура цехида иккита нуқтали пайвандлаш аппарати ҳамда чокларни пайвандлайдиган аппарат ўрнатилди. Шу йили 250 тонна металл қолиплари ўрнатилади. Темир-бетон цехи территорияси брак маҳсулотлардан тозаланаяпти.

КАМЧИЛИКЛАР ТАКРОРЛАНМАЙДИ

«Янгийўл бошқармасидаги Чиноз алоқа бўлимида 1960 йилдан буён газета ва журналларга обуна бўламан. Аммо газеталарни ўз вақтида олганимни эслолмайман» дейилган эди Яллама қишлоқ Советидаги Охунбобоев номли колхозда яшовчи М. Валиевнинг редакцияга юборган хатида.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари ўртоқ Т. Рустемовнинг редакцияга хабар қилишича, хатда келтирилган фактлар текширишда тасдиқланган. Газета-журналларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бермагани учун Чиноз алоқа бўлимининг бошлиғи Эргашев, почтальон Ҳасанов, «Союзпечать»нинг обуна қилиш ва тарқатиш инспектори Зокиров ўртоқлар огоҳлантирилган. Келгусида бундай камчиликларнинг қайтарилмаслиги уқтириб ўтилган.

ЧОРВА МОЛЛАРИ ЯХШИ БОҚИЛСИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Яқинда Тошкент қишлоқ область партия комитети бюроси Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси район бўлими раҳбарларининг бошқарма колхоз ва совхозларида чорва қишловининг аҳволи ҳақидаги ҳисобини эшитди.

Текширишда шу нарса маълум бўлдики, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли бир қатор хўжаликларда чорва қишловини намунали ўтказиш иши ниҳоят даражада қониқарсиз йўлга қўйилган. Айниқса жамоат чорва молларини иссиқ биноларда сақлаш, боқиш кўнгилдагидек эмас. Шу билан бирга айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорва маҳсулдорлигини ошириш масаласига ҳам жиддий аҳамият бермаётирлар. Бир қатор хўжаликларда хашаклар майдаланмасдан туриб, чорва молларига берилаяпти. Бу эса озуқанинг кўп қисмининг нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда. Бошқарма хўжаликларида 40 та силос қирқадиган агрегат бор. Лекин булардан фақат 27 таси ишлаяпти, холос. Хашак майдалайдиган ДКУ агрегатидан ҳам жуда ёмон фойдаланилмоқда. Бундай ачинарли аҳвол айниқса «Ленин йўли», Терешкова номли, Куйбишев номли, Энгельс номли колхозларда ва Киров номли совхозда мавжуд.

Бошқарма хўжаликларининг чорвачилик фермаларидаги 1994 бош йирик шохли мол, 7 минг 244 бош қўй ва эчки, 546 бош чўчқа семиз эмас. Улар ўз вақтида парвариш қилиниб, боқилмаётганлиги орқасида озғин. 259 бош йирик шохли мол, 911 бош қўй ва эчки, шунингдек 140 бош чўчқа эса ҳаддан ташқари ориғлаб кетган. Ваҳоланки бу чорва молларини ўз вақтида семиртириш учун хўжаликларда етарли миқдорда ем-хашак мавжуд эди. Лекин колхоз ва совхоз раҳбарларининг чорвачилик ишлари билан етарли шуғулланмасдан келаётганликлари сабабли молларни боқиш ана шундай ачинарли аҳволга тушиб қолган. Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи хўжаликларда чорва моллари учун озуқа етишмайди. Карл Маркс номли, «XXII партсъезд» колхозларида мана шундай ташвишли аҳвол юз берди. Лекин шунга қарамай ишлаб чиқариш бошқармасининг ходимлари ва колхоз раҳбарлари чорва озуқасини кўпайтириш ва унинг ҳар бир килограммини тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан зарур чораларни кўрмаганлар. «Северний маяк», «Ленин йўли» колхозларидаги мавжуд чорва моллари кундан-кунга семириш ўрнига аксинча озиб бораяпти.

Бир қатор хўжаликларда давлатга гўшт, сут маҳсулотлари топшириш ўтган йилнинг шу даврига қараганда анча камайтириб юборилган.

Область партия комитетининг бюроси Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли хўжаликларда чорва молларини боқиш ва давлатга маҳсулот топшириш жиддий ташвишли аҳволга тушиб қолганлигини алоҳида таъкидлаб бир қаторда, бошқарма ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси район бўлими раҳбарларининг бу муҳим ишга масъулиятсизлик билан қараётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Область партия комитетининг бюроси чорва қишловини намунали ташкил қилиш юзасидан юқори партия органларининг қатор кўрсатмаларини бажаришга масъулиятсизлик билан қараганлиги учун бошқарма бошлиғининг ўринбосари Пак ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси район бўлимининг раиси Мелик-Карамян ўртоқларга қаттиқ виговор эълон қилди. Шу билан бирга улар 1 февралга қадар чорва қишловида йўл қўйилган камчиликларни тузатмасалар, у вақтда вазифаларидан олиб ташланажаклари ҳақида огоҳлантиридилар.

Область партия комитетининг бюроси область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бошқармаси, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси, бошқарма партия комитети, «Узсельхозтехника» бирлашмаси район бўлими ходимларининг бутун диққат-эътиборини молларни етарли миқдорда ем-хашак билан таъминлаш, уларни иссиқ биноларда сақлаш юзасидан шошилинч чоралар кўришга қаратди. Бюро Ўрта Чирчиқда давлатга гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етказиб беришни кучайтириш, чорвадорлар ўртасида тарбиявий-тушунтириш ишларини яхшилаш, уларнинг унумли ишлашлари учун барча қулайликларни яратиб бериш юзасидан ҳам зарур тадбирларни белгилади.

Область партия комитети бюроси чорва қишловини намунали ташкил қилишда жиддий ташвишли аҳволга тушиб қолган Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги хўжаликларга яқиндан амалий ёрдам бериш учун бир қанча мутахассисларни жойларга жўнатди.

ЛЕНИН МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТИ КОМИТЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН КИНОПРОКАТЧИЛАРИНИНГ МАКТУБИ

Биз — кинопрокатчиларнинг қилаётган ишимиз кинофильмлар яратувчилар билан чамбарчас боғлиқдир. Биз кино яратувчилар билан томошабинлар ўртасидаги воситачиларміз. Бизнинг планларимизнинг бажарилиши ёки тўла бажарилмаслиги кўпроқ ишлаб чиқарилаётган фильмларнинг сифатига боғлиқ бўлади.

Бугун бизнинг ҳурсандчилигимизнинг чеки йўқ. Ахир Тошкент хроникал-ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясининг маҳсулоти, талантли кинорежиссёр, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Малик Қаюмовнинг «Баҳордан-баҳоргача» картинаси Ленин мукофотига тақдим этилади-ку, қувонмаймизми!

«Баҳордан-баҳоргача» ҳужжатли фильм. Лекин у санъатсевар томошабиларимиз томонидан тўлақонли бадиий фильмлардек кутиб олинаётти, зўр қизиқиш билан томоша қилинаётти. Фильм республикамизнинг ҳар бир шаҳар, ҳар бир область ва ҳар бир районида муваффақиятли намойиш этилаётти. Мана, фильм экранга чиқарилганига анчагина вақт бўлди, лекин уни кўришни истовчилар сони тобора ортиб бораётти.

Биз — кинопрокатчилар ана шу чуқур ҳаётий ва зўр санъаткорлик билан яратилган «Баҳордан-баҳоргача» фильмини Ленин мукофоти билан тақдирланишини ёқлаб чиқишингизни истаб, ушбу хатни Сизга йўлладик.

Фильм кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинган экан, демак бу ҳаётни ҳаққоний, ўткир бадиий ифода этганлигидандир. Ҳа, бу фильм ҳақиқий ҳаёт кўзгусидир! Бизнинг фикримизча, «Баҳордан-баҳоргача» ҳужжатли фильми юксак мукофотга лойиқ.

Б. Гершович — Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасы бошқарувчиси.

А. Бўрибоев — Кинофильмлар прокати Андижон область конторасы бошқарувчиси.

Б. Латипова — Кинофильмлар прокати Самарқанд область конторасы бошқарувчиси.

Э. Мустафоев — Кинофильмлар прокати Фарғона область конторасы бошқарувчиси.

П. Полупан — Кинофильмлар прокати Сурхондарё область конторасы бошқарувчиси.

С. Мирович — Кинофильмлар прокати Қорақалпоғистон республика бўлими директори.

Хинджаян — Чирчиқ шаҳар бирлашган кинотеатрлар дирекцияси.

ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

⊙ Оҳангарон шаҳрида янги учқаватли 11 йиллик мактаб қад кўтарди. Ҳозир бу ер ўқувчиларнинг қувноқ қаҳ-қаҳаси билан гавжум.

Т. НАБИЕВ.

⊙ Тўрт ойлик шоферлик курси Чирчиқнинг «Оққовоқ» посёлкасидаги 2-автобаза қошида очилди. Курсда 30 дан ортиқ ўқувчи билим олмоқда. Улар стипендия билан таъминланган.

Э. МУСАЕВ.

⊙ Колхозлар ўртасидаги йўлга асфальт ётқизилди. Бу — Калинин бошқармасидаги «Коммунист» колхозининг Ўнқўрғон участкаси ва «Маданият» колхози меҳнаткашларини беҳад қувонтирди.

А. ҚОРАБОЕВ.

⊙ Оққўрғон бошқармасига қарашли Карл Маркс номли 16-сакиз йиллик мактаб қошида кечки ишчи ёшлар мактаби ташкил этилди.

Х. АҲМЕДОВ.

ЧИНАКАМ МЕҲНАТ ПОЭЗИЯСИ

Мен пойтахтимиз хроникал ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмлар студиясининг ҳажоиб маҳсулоти — «Баҳордан-баҳоргача» фильмини зўр завқ-шавқ билан томоша қилгандим. Бу фильм ҳикоя қилган ажоиб кишилар, воқеалар ҳаммаси менга таниш. Бу ажоиб фильмнинг жонли гувоҳиман десам бўлади.

Фильм марказида республикамизнинг уч доңглор кишиси туради. Мен студентлик йилларимда уста пахтакор Ҳамроқул ота Турсунқулов раҳбарлик қилаётган колхозда практикада бўлганман. Фильмдаги шу колхоз ҳақидаги кадрлар кўз ўнгимда ҳамон гавдаланади.

Инобат Охунова эса бизнинг институтда бир йиллик курсда ўқиган. Мен унга пахтачиликдан дарс бергانман.

Сергайрат Манноб Жалоловни эса 1958 йилдан бери биламан. Ўзининг 28 ўтўрак дўстлари билан Андижон область, Ленин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоздан шўри қайнаб қамишзор бўлиб ётган, Марказий Фарғонага бориб, у ерларни чинакам гулистонга айлантирган.

«Баҳордан-баҳоргача» фильми ҳужжатли фильм бўлиши билан бирга ўқув-тарбиявий характерга ҳам эга. Унда пахта учун курашдаги қийинчиликлар, инсон иродаси, эл-юрт муҳаббати равшан гавдалантириб берилган. Фильм пахтакорлар ҳаётини, турмушини таранним этувчи чинакам меҳнат поэзиясига айланган.

Бу фильм юксак мукофотга арзийди.

Носир НОРМУҲАМЕДОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

2,5 МИЛЛИОН НУСХАДА

СОФИЯ, 18 январь. (ТАСС). XX аср бошидан ҳозирга қадар Болгарияда В. И. Ленининг 185 асари жами 2,5 миллиондан ортиқ нусхада нашр этилди. Шу жумладан, халқ ҳокимияти йилларида В. И. Ленининг 155 асари жами 2.314.800 нусхада босилиб чиқди. Бундан ташқари, социалистик Болгарияда В. И. Ленининг 39 томли Асарлар тўплами нашр этилди, шунингдек марксизм-ленинизм классиклари асарларининг 13 тўплами босилиб, буларда В. И. Ленининг айрим асарлари эълон қилинди.

ЖОНСОННИНГ Н. С. ХРУШЧЕВГА ЖАВОБИ

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретари Дин Раск СССРнинг Вашингтондаги элчиси А. Ф. Добринининг ўз ҳузурига чақириб, унга СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг жаҳондаги мамлакатларнинг давлат (ҳукумат) бошлиқларига йўллаган мактубига АҚШ президенти Жонсон берган жавобни топширди.

Вашингтонда айтишларига қараганда, Жонсоннинг мактуби яқин фурсатда, Н. С. Хрушчев қўлига текканидан кейин, эълон қилинади. (ТАСС).

ЗАНЖИБАР ҲУКУМАТИНИНГ РАДДИЯСИ

ЗАНЖИБАР, 18 январь. (ТАСС). Занжибар ҳукумати президент Карменинг ишдан олинганлиги ҳақидаги овозаларни рад этди. Ҳукумат баёнотида айтиладики, бу овозлар «ҳукуматдаги реал аҳволга мос келмайди. Ҳукумат яна бир марта айтадики, у ягона ва жипсдир».

АҚШ ПАНАМАДА ТЎНТАРИШ ТАЙЁРЛАМОҚДА

ВАШИНГТОН. Вашингтондаги «Дейли Ньюс» ва «Ивнинг стар» газеталари «Панамада тўнтариш бўлиши кутилмоқда», «Чиари ҳукумати таҳдид остида» деган сарлавҳалар остида босилиб чиқди.

Шу газеталар мухбирларининг Панамадан берган хабарларида айтилишича, Қўшма Штатлар Панама халқи миллий озодлик ҳаракатини зимдан бўғиб ташлашга уриниб, «банан дипломатияси» деб машҳур бўлган йўл билан Панамада ҳарбий тўнтариш ясашга тайёрланмоқда. Ассошиэйтед Пресс агентлиги Вашингтоннинг шундай нияти борлигини 16 январдаёқ шама қилиб ўтган эди. Энди Американинг кўпгина газеталари Чиари ҳукуматига қарши фитна тайёрланаётганлиги тўғрисида деярлик ошкора ёзмоқдалар.

Скриппс-Говард газета трестининг дипломатик обзорчиси Р. Шекфорд ўзининг шарҳларида «Қўшма Штатлар Панама билан ўзининг муносабатларини осонлаштирмоқ ва бу муносабатларнинг гоҳо-гоҳо ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик учун кўпгина чоралар кўриши мумкин», деб дўқ қилмоқда.

Панамачилар партиясининг бошлиғи ва ўтказиладиган сайловларда президентлик мансаби учун номзодлардан бири бўлган Ариас тўнтариш натижасида янги «кучли киши» бўлиб қолади, деган овозалар Панамада кучайиб бормоқда, деб хабар беради Вашингтондаги «Дейли Ньюс» газетасининг мухбири.

Ариаснинг ўзи ким? Бу саволга Вашингтондаги «Ивнинг стар» газетаси бундай жавоб беради: «У 1941, 1961 йилларда Панаманинг икки марта президенти бўлган эди ва Ариас Гитлер ҳамда Муссолининнинг фашистлар режимига ўхшаш диктатура ўрнатишга уринганлиги сабабли миллий гвардия ҳар иккала сафар ҳам уни президентликдан олиб ташлаган эди».

Панамада ҳарбий тўнтариш бўлиши мумкинлиги тўғрисида Америка матбуотида ёзилаётган гапларни исботламоқ учун келтирилаётган фактлар орасида Америка армиясининг қўшимча отрядлари канал зонасига юборилаётганлиги тўғрисида яқинда Ассошиэйтед Пресс агентлиги «йўлакай» эълон қилган хабар ҳам кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, Америка давлатлари ташкилоти «келиштирувчи комиссиясининг» беш аъзосидан тўрттаси (шу жумладан комиссия бошлиғи) Панамадан ошиғич равишда жўнаб кетганлиги ҳам эътиборни ўзига жалб қилмаслиги мумкин эмас. Шу комиссия бошлиғи жўнаб кетиш олдидан мухбирлар билан суҳбатлашиб, уларга мен ва шериклларим учун «Панамада қиладиган иш қолмади» ва Америка давлатлари ташкилотининг Вашингтондаги қароргоҳига қайтиб бориб, анча кўпроқ фойда етказишимиз мумкин, деган гапларни айтди.

Хуллас, Пентагон ва Марказий разведка бошқармасидан бўлган «мутахассисларнинг Марказий Америкада яна битта «стихияли» ҳарбий тўнтариш қилишларига имконият бермоқ учун бу тўнтаришга шоҳид бўлиши тўғри келмайдиган кишилар Панамадан жўнаб кетмоқдалар.

(ТАСС).

Суратларда: 1. «Баҳордан-баҳоргача» фильмидан кадр. 2. Кинорежиссёр Малик Қаюмов иш устида. В. Косовский фотолари.

„БАҲОР" сафарга чиқди

Ўзбек давлат «Баҳор» рақс ансамбли бу йилги гастроль сафарини бошлаб юборди. Улар Москванинг Кремль театри саҳнасида уч қун концерт бериб, пойтахтлик санъат ишқибозларини мамнун қилишди.

«Баҳор» ансамбли москвалик тамошабинларга илгаридан таниш.

Ансамбль ижодий коллективи Украиннанинг озод қилинишининг 25 йиллик кунини нишонлашда қатнашиш учун Москвадан Киевга жўнаб кетди. «Баҳор» рақс ансамбли қатор концертлар қўйиб беради. Ансамбль ўзининг икки ойлик гастроль сафарида Украина, Прибалтика, Днепропетровск, Львов, Харьков ва бошқа қатор шаҳарларда ҳам бўлиб катта программада концертлар кўрсатади

Куба билан савдо-сотиқ ўсади

ЛОНДОН, 18 январь. (ТАСС). Автомобиль саноати ишчилари миллий касаба союзининг Лондон район бўлими яқинда тузилган битимни тасдиклади. Бу битимга биноан, «Лейланд моторс» компанияси Кубага 400 автобус сотди.

Комитет қабул қилган резолюцияда АҚШ ҳукуматининг халқит беришга уринишига қарамасдан, Англия билан Куба ўртасидаги савдо-сотиқнинг ўсишига ишонч билдирилади. Шу касаба союзнинг Крикле-вуд бўлими (Лондон) ҳам худди шундай резолюция қабул қилди.

ҚУҒИРЧОҚ ҲУКУМАТГА БЕРИЛГАН САДАҚА

НЬЮ-ЙОРК, 18 январь. (ТАСС). Америкининг халқаро тараққиёт бошқармаси Жанубий Кореяга 15 миллион доллар миқдорида субсидия бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу маблағлар, деб хабар беради АП агентлигининг мухбири Вашингтондан, Жанубий Корея ҳарбий бюджетига мадад тариқасида ва унинг иқтисодий планларини амалга ошириш учун берилади.

БАТРАКЛАР ЗАБАСТОВКАСИ

РИМ, 18 январь. (ТАСС). Палермо вилоятида (Сицилия) 20 минг батрак ўз моддий аҳволининг яхшиланишини талаб қилиб, забастовка ўтказди.

ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

ОСЛО, 18 январь. (ТАСС). Коньки бўйича Европа чемпионатида 500 метрлик биринчи масофага ўтказилган мусобақада норвегиялик М. Томассен шу масофани 42,2 секундда босиб ўтиб, ғолиб чиқди. А. Антсон (СССР) иккинчи ўринни (42,5 секунд) ва Ю. Юмашев (СССР) учинчи ўринни (42,7 секунд) эгаллади.

Сўл социалистлар ўз сафларини мустаҳкамламоқдалар

РИМ, 18 январь. (ТАСС). Пьетро Ненни раҳбарлигидаги Италия социалистик партияси федерал (вилоят) комитетларининг бир мингдан ортиқ аъзолари Италия социалистик партияси билан алоқани узишга қарор қилдилар ҳамда сўл социалистлар тузган Пролетар бирлиги Италия социалистик партиясига кирганликларини эълон қилдилар. Буни Пролетар бирлиги Италия социалистик партиясининг матбуот бўлими маълум қилди.

Брешиа шаҳрида Италия социалистик партиясининг федерал комитети бу партия сафидан чиқиш ва янги партияга кириш тўғрисида кўпчилик овоз билан қарор қилди.

Италия социалистик партияси ажралганига қадар бу партия федерал комитетлари аъзоларининг умумий сони 3.224 киши эди. Шундай қилиб, Италия социалистик партияси раҳбар ходимларининг учдан бир қисми янги партияга ўтди.

Пролетар бирлиги Италия социалистик партияси жойлардаги ўз ташкилотларини мустаҳкамламоқда. Пролетар бирлиги Италия социалистик партиясининг маҳаллий федерациялари Римда, Моденда, Генуяда, Пармда, Терамода, Потенцда ва Италиянинг бошқа шаҳарларида тузилди.



Руминия Халқ Республикаси. Бухаресттаги обсерватория ходимлари халқаро геофизик йили —1964—1965 йилларни муваффақиятли кутиб олиш учун илмий тадқиқот ишларини қизитиб юборди.

Суратда: обсерватория ходимлари янги телескоп тайёрлашмоқда.

АДЖЕРПРЕСС — ТАСС ФОТОСИ.

ЖАҲОННИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРГАН МАРДЛИК

ЛЕНИНГРАД ҚАМАЛДАН ОЗОД БЎЛГАН КУННИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

□ □ □

Немис фашистлари Франция ва Бельгияни, Чехословакия ва Польшани, Югославия ва Грецияни, Голландия ва Болгарияни поймол қилаётган бир вақтда миллионлаб кишиларнинг эътибори СССРга қаратилган эди: бу ерда гитлерчи босқинчилар билан совет халқининг қақшатғич жангида бутун прогрессив инсоният тақдири ҳал бўлаётган эди. Ўша вақтда Ленинград остоналаридаги жангни ҳам бутун жаҳон кузатиб борди.

Фашист қўмондонлиги Ленин шаҳрини олиш муддатини бир неча бор тайинлади. Гитлер мақтаниб «Шарқий Пруссиядан Ленинград шаҳри атрофигача бўлган масофадан ғолибона ўтиб келган немис генераллари қолган бир неча ўн километрдан ўтишга ҳам куч топа олади» дерди.

Гитлернинг шаҳарни яшин тезлигида босиб олиш плани барбод бўлди. Шундан сўнг фашист генераллари қамал қилишни бошладилар. Улар Ленинградни бомбардимон қилиб ва артиллериядан ўққа тутиб вайрон қилиш, ленинградликларни оч қолдириб ўлдириш мақсад қилиб олдилар. Геббельс пропагандаси Ленинградни «ўлган шаҳар» деб атади. Лекин бу шаҳар яшади, курашди, энг яхши фашист дивизияларини яксон қилди, жаҳонни ҳайратда қолдирган мардлик кўрсатди.

АҚШ президенти Франклин Рузвельт ленинградликларга юборилган махсус ёрлиқ қоғозида бундай деб ёзган эди:

«Мен бу ёрлиқни Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Ленинградга — унинг шонли жангчилари ва содиқ эркаклари, аёллари ҳамда болалари хотираси учун топшираман. Улар босқинчилар томонидан ўз халқидан ажратиб қўйилганига қарамай ва узлуксиз бомбардимон қилиш ҳамда мислсиз совуқ, очлик ва касаллик азобларига қарамай ўз севимли шаҳарларини 1941 йилнинг 8 сентябридан 1943 йилнинг 18 январигача бўлган хавфли давр мобайнида муваффақиятли мудофаа қилдилар ва бу билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларининг ҳамда агрессия кучларига қарши курашаётган дунёдаги барча халқларнинг сўнмас иродасини намойиш қилдилар».

Қамал қилинган Ленинградда яшаган таниқли инглиз публицисти Александр Верт Киров (собиқ Путилов) заводи ишчиларининг мардлигига қойил қолди. Заводдан тўрт ярим километр наридан фронт линияси ўтган эди. Душман фронт учун қуроллар тайёрланадиган цехга юзлаб тонна ўлим бомбалари ёғдираётган бўлишига қарамай кировчиларни таслим қилолмади.

«Бу кишилар учун,— деб ёзган эди Александр Верт,— охиригача курашиш шон-шараф иши бўлиб қолди. Путиловчи, кировчи бўлиш... бу сўзлар улар учун ҳаммадан афзал эди...»

Қамал қилинган Ленинграднинг жасорати ҳақида Франция коммунистик партияси Бош секретари Морис Торез жуда яхши ёзган:

«Гитлерчи босқинчиларга қарши уруш вақтида мислсиз азоб-уқубатларни бошдан кечирган қаҳрамон шаҳарнинг 900 кунлик мудофааси Совет Армияси ғалабасига улкан ҳисса бўлиб қўшилди ва барча мамлакатлардаги антифашист курашчиларни руҳлантириб юборди. Яшасин қаҳрамон ва шонли Ленинград!»

Невадаги шаҳарга ўз озодлиги учун қаҳрамонона курашаётган Куба революцияси муваффақиятларини сақлаб қолаётган куба халқи самимий муҳаббат билан қараяпти. Озодлик ороли номидан Фидель Кастро ленинградликларга шундай деди:

«...Совет халқи тарихига нимани ёзган бўлса, Ленинград биз учун уларнинг ҳаммасини умумлаштириб беради. Бу революция бешиги шаҳри, Ленин ва большевистик партия рус пролетариатини шу ердан ҳокиятни қўлга олишга бошлаган, қаттиқ мудофаа қилиб, революциянинг барча ғалабаларини сақлаб қолган шаҳар, ҳужумларни қайтарган. Улуг Ватан уруши даврида 900 кунлик қамалга бардош берган шаҳар, ҳозирги кунда эса коммунизм қурилаётган шаҳардир. Биз, бутун дунё революционерлари, Ленинградга биз учун қутлуғ бўлган жой деб қараймиз».

Бир неча йил муқаддам япон қизи Хисако Нагата ҳам Ленинградда бўлган эди. Нагасакидаги атом бомбаси фожиасидан омон қолган бу қиз шундай деган:

«Ленинградликлар уруш нималигини яхши билишади, сизнинг шаҳрингиз менга маълум бўлишича, озмунча жабрланмаган. Менинг Нагасаки шаҳрим ҳам катта қулфатни бошидан кечирган. Бу мисоллар биз ёшларни тинчлик учун бутун куч ва воситалар билан курашга чақириши керак!»

Меҳнаткашлари барча эксевар халқлар билан бирга Ленинградга мислсиз қулфатлар келтирганларни нафратлайдилар. Немис ёзувчиси Герберт Кастен ленинградликларга қарата мана бундай деб ёзади: «...Ленинградга ва унинг гражданларига фашист Германияси қилган жиноят менда ҳозир ҳам ор ва чуқур нафрат туғдиради. Ҳозир кўп нарса ўзгариб кетди. Германия Демократик Республикасида Совет Иттифоқининг самимий дўстлари яшайди. Улар тинчликни ҳимоя қиладилар ва инсонпарварлик ғояларининг ғалабаси учун курашадилар. Фашизм ҳукмрон бўлган қора йилларда рўй берган воқеалар ҳеч қачон қайтарилмайди. Немислар Ленинградга ҳеч қачон душман сифатида келмайдилар; бунинг учун мен ҳам ўз қаламим билан курашаман. Агар империалист ваҳшийлар уруш оловини ёқишга муваффақ бўлгудай бўлсалар, мен ўз халқим билан бирга сиялар билан бир сафда бўламан, қўлимда қаламимнигина эмас, қуролни ҳам тутиб тураман. Бу гапга ишонишингиз мумкин, ленинградлик ўртоқлар».

Автоном НЕПОМНЯШИЙ,
АПН мухбири.

ҚИЗИҚАРЛИ КЎРГАЗМА

Пойтахтимиздаги республика давлат архив бошқармаси хилма-хил тарихий ҳужжатларга, турли даврларга доир тарихий материалларга жуда бой. Бу ерда ана шу ҳужжатлар асосида тематик кўрсатмалар ташкил қилиниб турилади.

Яқинда очилган янги кўргазма 1925 — 30 йилларда Ўзбекистонда ислом динининг реакцион моҳияти, деб номланган. Кўргазмага қўйилган турли тарихий суратлар томошабин эътиборини жалб қилади.

Кўргазмадаги асарлар орасидаги Самарқанддаги Тиллақори мадрасасида намоз ўқиш, реакционер динчилар томонидан колхоз омборини ёндириш пайти тасвирланган. Суратлар ўзининг оригиналлиги билан ажралиб турибди. Кўпгина асарлар хотин-қизларнинг озодлик учун курашишига бағишланган. Руҳонийлар паранжи ташламоқчи бўлган аёлларга нисбатан жабр-зулм ўтказаётганликлари, лекин эркка ташна аёлларимиз тугён нўтариб паранжини ўтга отган даҳиқалари анс эттирилган суратлар нишини ҳаяжонга солади.

Кўргазмани томоша қилар экансиз бидъат қурбони санъаткор қиз Нурхон ва Турсунойларнинг фотосуратларини ҳам учратасиз.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзоданинг руҳонийларга қарши олиб борган нескин курашига бағишланган асарлар ҳам кўргазмада кенг ўрин олган.

М. ЗАРИПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 ЯНВАРЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Ильич набиралари** (болалар учун), 18.20 — **Телевизион янгиликлар**, 18.40 — **Ленин йўлидан**, 19.00 — **Ленин ва партия ҳақида** (концерт), 19.40 — **Эшиттиришлар программаси**.

Рус тилида: 19.45 — **Телевизион янгиликлар**, 20.05 — **Биз милларддан кўпмиз** (ҳужжатли фильм), 20.15 **Советский воин** телевизион журнали ва **Қўшиқ—жанговар йўлдош** (концерт), 21.55—Ленин мукофоти номзодлари. **Помир болалари** (бадиий фильм), 23.15—**Реклама ва эълонлар**.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.10— **Аму—мардлар дарёси** (ёшлар учун), 20.00— **Пойтахтимиз меҳмонлари**.

Ўзбек тилида: 21.50 — **Эсдалик ҳужжатлар**, 22.10 — **Коммунистик меҳнат кишилари** (саноат ходимлари учун).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/I да **Масхарабозлар** ва **Концерт бўлими**, 22/I да **Ҳамза**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/I да **Биринчи муҳаббат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/I да **Нодира**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 21, 22/I да **Концертлар**. Концертда: Ўзбек давлат филармониясининг халқ чолғу асбоблари оркестри, хор капелласи, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова**, солистлардан **Фахриддин Умаров, Муҳаббат Мусаева, Дилбар Абдуллаева, Равшан Мўминова, Раъно Низомова, Маҳмуд Муҳамедов**, Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивали лауреати **Аббос Баҳромовлар** қатнашади. Концерт кеч соат 8 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 22/I да янги аттракцион — **«Йиртқич ҳайвонлар»**. Ўргатувчи — **Вальтер Запашний**.

КИНО

Қиморхонадаги фирибгарлик — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Иш кунида якшанба — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қутлуғ қон (Ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кеч соат 6-40 минутда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари— 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими —31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06362. ИНДЕКС 64697. Нашр. № Б. 1674.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.